Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 4-aprel, payshanba № 42-43 (3236)

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Азиз дўстлар!

Сиз, ҳурматли депутатлар ва сессия қатнашчилари билан, Тошкент вилоятининг фаоллари билан кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдиришдан мамнунман.

Очиғини айтадиган бўлсам, сиз азизлар билан кўпдан бери учрашмаганимизни англаб, ўзим ҳам сизлар билан яқиндан учрашиб, суҳбат қуришга эҳтиёж сезиб юрганимни айтмоқчиман.

Сизлар билан дийдор кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бугунги ҳаёт ҳақида — ҳаёт муаммосиз бўлмайди, албатта — олдимизда турган вазифалар, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида фикр алмашиб, тегишли хулосалар чиқариб олиш кераклигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана шундай очиқ учрашув ва мулоқотларда ён-атрофимиздаги бугунги нотинч, тобора мураккаблашиб бораётган бир вазиятда турли хавф-хатарларнинг олдини олиш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини юксалтириш, уни янада мазмунли қилиш бўйича очиқчасига гаплашиб олиш, сизларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни эшитиш, ҳеч шубҳасиз, айни муддао бўлур эди.

Шу маънода, бугун фақат сессия кун тартибига киритилган масала билан чегараланмасдан, Тошкент вилоятининг ривожланиш суръатлари, эришилган ютуқлар билан бирга, ҳали-бери ечилмасдан келаётган, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммолар ҳақида атрофлича гаплашиб олсак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Тошкент вилоятининг юртимиз ҳаётидаги мавқеи ва аҳамияти ҳақида сўз борганда, қайси нуқтаи назардан қарамайлик — бу унинг тарихий ёки жуғрофий ўрни бўладими, иқтисодий-ижтимоий имкониятлари, инсоний салоҳияти бўладими — мамлакатимиз тараққиётида катта рол ўйнайдиган ана шундай омиллар ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин.

Тошкент вилояти, бошқа минтақалар билан солиштирганда, ҳосилдор тупроғи, бой минерал-хом ашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажралиб туради. Ўзининг бетакрор иқлими, гўзал табиати ва хушманзара масканлари билан ҳар қандай кишининг ҳайратини ўзига тортади.

Вилоятнинг унумдор заминида миришкор деҳқонларнинг пешона тери билан етиштириладиган ноз-неъматлар фақат воҳа аҳолисини эмас, шу билан бирга, азим пойтахтимизда, бу улкан шаҳарда яшаётган 2 миллион 600 мингга яқин одамни мева-чева, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа ҳаётий зарур маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлашга қандай катта ҳисса қўшаётганини барчамиз яхши биламиз.

Тошкент вилоятида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлмиш саноат соҳаси юқори даражада ривожлангани ҳаммамизга яхши маълум. Бугунги кунда вилоятнинг мамлакатимиз саноатидаги улуши, Тошкент шаҳри билан қўшиб ҳисоблаганда, 33,5 фоизни ташкил этиши ҳам шуни тасдиқлаб беради. Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 9,6 фоизи, саноат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларнинг 9,4 фоизи айнан Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши унинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканини кўрсатади.

Воҳада ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё ва нефт-кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Бунга мисол қилиб АҚШнинг машҳур «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ноёб ҳисобланган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий заводни, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларидаги йирик саноат мажмуаларини келтириш мумкин. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни нафақат минтақамиз, балки чет элларда ҳам харидорлар яхши билади ва тан олади.

Тошкент вилояти ҳақида гапирганда, яна бир муҳим хусусият ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан. Бу, аввало, вилоят аҳолисининг интеллектуал даражаси, билим ва тажрибаси, маънавий савияси билан ажралиб туришида намоён бўлади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Шу боис мана шу диёрга меҳр қўйиб, уни обод қилиб келаётган меҳнатсевар ва олижаноб инсонлар ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, уларга миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Ҳурматли депутатлар!

Мустақил тараққиёт йилларида Тошкент вилоятида яратилган иқтисодий салоҳиятни янада ошириш, уни пойтахт вилояти деган номга муносиб даражага кўтариш учун сизлар билан бирга амалга оширган ишлардан ҳаммамиз, албатта, хабардормиз.

Вилоятнинг кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиши ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, бу ерда ҳам барқарор ривожланиш суръатлари сақланиб қолаётганини таъкидлаш лозим. Буни ўтган 2012 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 5 фоизга, саноат қарийб 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,7 фоизга, пуллик хизматлар 15 фоизга ўсгани яққол тасдиқлаб турибди.

Агарки 2000 йилга нисбатан қиёслайдиган бўлсак, ялпи ҳудудий маҳсулот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари икки баробар, пуллик хизматлар олти баробар, қурилиш-пудрат ишлари эса уч баробардан зиёд ошганини кўриш мумкин.

Вилоят саноатини эл-юртимиз, аввало, мана шу заминда яшаётган инсонлар манфаатини кўзлаб ривожлантириш бўйича кейинги йилларда қилган ишларимиз ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия заводи, Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларидаги кимё корхоналарига кенг кўламли инвестициялар жалб этилиб, техник ва технологик модернизация ишлари амалга оширилди. Шулар қаторида Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади, Фарҳод ГЭС, Чорвоқ ГЭС, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси сингари энергетика объектларида, Ангрен кўмир конида модернизация ишлари давом эттирилмоқда.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Бухоро шаҳридаги мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган «Ливадия-Бухара» хусусий корхонаси маҳсулотлари экспорти ҳажми тобора ошмоқда.

Тадбиркор Илҳом Сайфиев раҳбарлик қилаётган мазкур корхонада тўрт киши меҳнат қилади. Шунингдек, 20 нафар касаначи иш билан таъминланган. Бу ерда фермер хўжаликларидан шартнома асосида қабул қилинаётган мева ва сабзавот инфра қизил тўлқин ёрдамида қуритилади. Йилига 300 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада қадоқланган олти турдаги маҳсулотни узоқ муддат сақлаш мумкин. Шу боис корхона маҳсулотларининг экспорт ҳажми тобора ошмоқда.

Суратда: «Ливадия-Бухара» хусусий корхонаси ишчиси Нафиса Саидова.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Эртани ўйлаб

«Ерни боқсанг, ер сени боқади», дейди доно халқимиз. Наманган вилоятида ер билан тиллашиб, унинг имкониятларидан унумли фойдаланиб, рўзғорига барака киритаётганлар анчагина. Айниқса, иссиқхоналарда етиштирилаётган мўл ҳосил бозорлардаги тўкинликни таъминламоқда.

ЯХШИЛАРДАН ҚОЛАР БОҒ

Ҳозирга қадар 2541 та хонадонда 16 гектардан ортиқ майдонда иссиқхоналар ташкил этилиб, бунинг учун 1,6 млрд. сўм маблағ сарфланди. Шундан 268 млн. сўми кредит ҳисобидан қопланди. 92,4 гектар майдондаги 2788 та иссиқхонадан мавсумда 1570 тонна помидор, 1076 тонна бодринг ва 576 тонна цитрус мева етиштириш кўзда тутилган.

Вилоятдаги кам таъминланган 2591 та оила турмуш фаровонлиги ва уларнинг реал даромадларини ошириш манбалари ҳисоб-китоб қилиниб, эҳтиёжманд 2108 та оиланинг ҳар бирига 100 бошдан парранда, 483 та оилага бир бошдан қорамол, шунингдек, Обод турмуш йили муносабати билан хонадонларнинг реал даромадини ошириш мақсадида 71 та тикув машинаси олиб бериш, 228 та оилага иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, 686 та оилага томорқадан унумли фойдаланиш ҳамда 191 та оилада уй меҳнатининг самарали шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Кўчат экиш ва ободонлаштириш ойлигини юқори савияда ўтказилишини таъминлаш юзасидан шаҳар ва туманларда 792 та кўчат экадиган махсус гуруҳлар ташкил этилиб, экиш ишларига 656 минг аҳоли ҳамда 449 та транспорт воситаси жалб этилди. Натижада вилоятда 2677,7 минг дона манзарали, 513 минг дона мевали, 158,4 минг дона тез ўсувчи терак, 325,8 минг дона тут кўчатлари, 7370 минг дона қаламча экилди.

Бу каби хайрли ишларда касаба уюшма фаоллари ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Вилоятдаги 417 минг 597 та хонадоннинг томорқа майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасидан 12 нафар ходим шаҳар ва туманларга бириктирилди. Бундан ташқари, 60 нафар туман кенгаши ходимлари шаҳар, туманлардаги ишларни мувофиқлаштириш, тарғибот ишларини олиб бориш билан бирга, биттадан МФЙни намунали маҳаллага айлантириш бўйича аниқ тадбирлар асосида иш ташкил этмоқдалар. Ўтган ҳафтада Поп, Янгиқўрғон, Уйчи, Учқўғон туманларида ҳамкор ташкилотлар билан бу борадаги ишлар ўрганилди ва тизимли иш ташкил этиш бўйича ёрдамлашилди.

Касаба уюшма маблағлари ҳисобидан туман кенгашлари томонидан 15100 дона кўчат кам таъминланган 1800 та хонадонга тарқатилди. 300 та хонадонга 100 кг.дан картошка уруғи берилди. Намунали хонадонлар тажрибасини оммалаштириш мақсадида 6 та семинар ўтказилиб, бу жараён жадал давом эттирилмоқда.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Томорқа

Рўзғорга барака, оилага фаровонлик келтириш ўз қўлимизда. Томорқадан унумли фойдалансак бас. Келинг, Самарқанд вилояти мисолида бу борада амалга оширилаётган ишларга бир қур назар ташлаб кўрайлик.

БАХТ КАЛИТИ

Ҳудуддаги деҳқончилик учун қулай ер майдонининг 58755 гектари аҳоли томорқалари саналади. 557 минг 232 та хонадонда истиқомат қилаётган 638,4 минг оилада томорқа юмушлари мониторинг қилиб бориляпти. Унга кўра, агар бу каби ишлар рисоладагидек амалга оширилса, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларидан 64 млрд. 150 млн. сўм, оила чорвасидан 1 млрд. 937 млн. сўм даромад олиниши мумкин. Бугун вилоят фаоллари, касаба уюшмалари вакиллари одамларга томорқада ишни ташкил этиш, керак бўлса ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатишга бел боғлаганлар.

Кўкламнинг илк кунлариданоқ 79 та «Дамас» русумидаги авто-кўчма дўконлар, шаҳар ва туманлардаги махсус уруғчилик ва кўчат сотувчи дўконлар фаолияти йўлга қўйилди. Улар кўмагида 31 минг 868 кг. сабзавот, 4 минг 374 кг. полиз, 22 минг 495 кг. картошка, 3 минг 750 кг. озуқа экинлари уруғи аҳолига етказиб берилиши назарда тутилган. 6587 та кам таъминланган оила рўйхати шакллантирилиб, томорқа юмушларини ташкил этишда зарур ёрдам бериб келинмоқда.

Маълумки, томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар беиз кетмаяпти. Биргина амалдаги йилнинг ўзида вилоятда яшовчи 2580 та хонадон томорқасида иссиқхоналар барпо этиш истагини билдиришди. Уларнинг 17010 таси режалаштирган ишларини ниҳоясига етказишди. Пулдан сиқилиб қолган фуқаролар учун тижорат банклари томонидан 54,2 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида «Агробанк» ОАТБ томонидан томорқада ишни ташкил этиш ва иш анжомлари харид қилиш учун 125 млн. 220 минг сўм миқдорида кредит бериш кўзланди.

— Аҳолининг мўмай қўшимча даромад соҳиби бўлиши учун ташкилий-амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ботир Тошев. — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда шу йилнинг 14-21 феврал кунлари, ЎзКУФК тармоқ Марказий кенгашлари ва маҳаллий ҳокимликлар билан 23-26 март кунлари барча шаҳар ва туманларда томорқа юмушларини ташкил этишга бағишланган семинар-ўрганувлар ташкил этилди. Муддао ҳар бир хонадон тўкинчилигини таъминлаш, халқимиз турмуши бундан-да яхшиланишини одамларга англатишдан иборат. Шукрки, ҳар биримизнинг еримиз бор. Унга меҳр бersак, бизни тўйдиради, боқади, бой қилади. Мақсад ҳам шу — тўкин ва фаровон турмуш.

Хонадон томорқасига бир назар ташласак, ўша ерда истиқомат қилаётганлар ҳол-аҳволидан дарак беради. Масалан, Нарпай туманидаги 56 та маҳалладаги 32 минг хонадоннинг аҳволи ўрганилганда, уларнинг 316 таси кам таъминланганлар сирасига киритилди. Бу оилаларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида 64 тасига уруғлик ва кўчат, 22 тасига қорамол, 25 тасига тикув машинаси, 6 тасига иссиқхона қуриш, 152 та оилага эса уй меҳнати, яъни сартарошлик, этикдўзлик ва ҳунармандчилик юмушларини ташкил этишлари учун кредит маблағлари ажратиб берилди.

Яна бир гап. Ўн беш минг нафарга яқин йигит-қиз «Экологик маданият ва қадриятлар ойлиги», «Ҳашар — ёшларга ярашар» лойиҳалари доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларида жонбозлик кўрсатишаётир.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

ЖИЗЗАХ

Шу кунларда, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоялашга отланган ўғлонларимиз ўқув йиғинларидан муваффақиятли ўтгач, ҳарбий қасамёд қабул қилиш тадбирларида иштирок этишаяпти.

ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЁДИ

Марказий ҳарбий округга қарашли Жиззахдаги ҳарбий қисмда ҳам ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

— Ҳарбий хизматда бўлишдек юксак орзуимга эришганимдан мамнунман, — дейди оддий аскар Ихтиёр Тўйчиев. — Хизматда олган кўникмалар, ўйлайманки, эл-юрт манфаати йўлидаги кейинги фаолиятимда қўл келади.

— Ўғлим Музаффаржонга ҳарбий кийим жуда ярашибди, — дейди андижонлик Мунаввар Аҳмедова хурсандчилигини яширолмай. — Жигарбандим ва унинг сафдошларига ҳарбийлик муборак, дейман.

Абдуманнап АЗИМОВ, «ISHONCH» мухбири

САМАРҚАНД

Самарқанд шаҳрида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Велоспорт федерацияси, ҳокимлик, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорликда шоссе, трек йўналишлари бўйича ўсмирлар ўртасида очиқ чемпионат ўтказилди.

ЎСМИРЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Беш кун давом этган мусобақа қизиқарли кечди. Унда вилоятлар ҳамда Қозоғистондан ташриф буюрган ёш спортчилар қатнашди.

1-ўрин Тошкент шаҳридан Андрей Измайлов, 2-ўрин Наманган вилоятидан Владислав Фёдоров, 3-ўрин Чирчиқ шаҳридан Достон Оллановга насиб этди.

Мусобақа ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

А. ҚОДИРОВ, Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

ХОРАЗМ

Урганчлик тадбиркор Азамат Қурёзов томонидан ташкил этилган «Парнас импекс» масъулияти чекланган жамиятида кунига 500 килограмм, йилига 90 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

ФАОЛИЯТ КЕНГАЯДИ

14 турдаги дудланган, қайнатилган колбаса ва шу каби егуликлар савдо шохобчаларида туриб қолмаяпти.

Ишбилармонлик соҳасида муайян тажриба тўплаган тадбиркорнинг мазкур бизнес лойиҳаси «Миллий банк» вилоят бўлими томонидан қўллаб-қувватланди.

— Банкдан 55 млн. кредит олиб Германиянинг Pro-frost ва Словакиянинг PSS компаниялари технологияларини келтирдик. Келгусида яна тўрт нафар ёшларни иш билан таъминлаб, маҳсулот турларини кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз, — дейди жамият раиси А.Қурёзов.

Ўғилжон РАҲИМОВА

ТОШКЕНТ

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси «Ўрикзор» филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

ПОЛИКЛИНИКАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Мазкур поликлиника тумандаги «Ўрикзор» ва «Кўксарой» маҳаллаларининг қарийб ўн етти минг аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Икки қаватли янги бинода бирламчи тиббий профилактика кўрикларини юқори савияда ўтказиш, фертил ёшдаги аёллар, болалар, ўсмирлар ва катта ёшлиларга замонавий даволаш ёрдами кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Кардиология кабинети замонавий ЭКГ, лаборатория ҳонаси сўнгги русумдаги биокимёвий анализаторлар билан таъминланган. Марказлашган стерилизациялаш тизими йўлга қўйилган.

Б.ХИДИРОВА ЎзА мухбири

Ishonch
2013-yil 4-aprel № 42-43 (3236)

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Айниқса, «Ангрен» махсус индустриал зонаси фаолияти йўлга қўйилиши билан вилоят иқтисодиёти учун янги-янги имкониятлар очилмоқда. Мен бу ҳақда кўп гапирмасдан, фақат баъзи рақамларни келтириш билан кифояланмоқчиман. Ҳозирги вақтда мазкур индустриал зона ҳудудида 186 миллион доллардан ортиқ қийматдаги 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, ишлатилган нефт маҳсулотларидан базавий мой тайёрлаш, турли ҳажмдаги мис қувурлар, санитария-техник ва бутловчи буюмлар, сопол плиталар, кўмир брикети, чарм буюмлар ишлаб чиқариш комплекси шундай лойиҳалар сирасига киради. Шунингдек, бу ерда шакар ишлаб чиқариш заводи қуриш мўлжалланмоқда. Буларга қўшимча равишда умумий қиймати 245 миллион доллари ташкил этадиган яна 22 та лойиҳани амалга ошириш бўйича зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда. Собиқ «Резинатехника» корхонаси негизида автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган лойиҳа бўйича эса ишлар бошлаб юборилди.

Бир сўз билан айтганда, **охирги беш йил давомида Тошкент вилояти бўйича 1 миллиард 500 миллион доллар миқдоридаги маблағ сарфланиб, 58 та йирик инвестиция лойиҳаси тўла амалга оширилди. Бу ишларнинг давоми сифатида 2013 йилги инвестиция дастури доирасида вилоятда қарийб 545 миллион доллар маблағ ҳисобидан 69 та лойиҳани ҳаётга жорий этиш кўзда тутилмоқда.**

Азиз дўстлар, албатта, бу рақамлар ҳақида шунчаки гапириш осон, лекин улар қандай катта маблағ, қандай катта меҳнат ҳисобидан амалга оширилаётганига эътибор беринг. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий инвесторларни отанг яхши, онанг яхши, деб юртимизга олиб келиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун тинимсиз ҳаракат қилиш, хорижий ҳамкорларни топиб, уларга барча зарур шароитларни яратиб бериш керак. Масалан, мана шу «Резинатехника» заводи бўйича хитойлик ҳамкорларимиз билан аниқ бир битимга келиш учун кейинги уч йил давомида қанчақанча иш олиб боришга тўғри келди.

Ёки Тошкент вилоятининг салоҳиятига салоҳият қўшишга хизмат қиладиган «Ангрен» махсус зонасини оладиган бўлсак, бу лойиҳага худдики ўзининг шахсий ишидек қараб, уни амалга оширишга сидқидилдан ҳисса қўшган барча мутахассис ва мутасаддиларга раҳмат айтсак, арзийди.

Албатта, халқимизнинг машаққатли ва фидокорона меҳнати билан кўлга киритилган бундай ютуқ ва марралар, режа ва дастурлар барчамизга ғурур-ифтихор, энг муҳими, эртанги кунга ишонч бағишлайди. Лекин, биз бугун қўлга киритилган ютуқ ва марралар билан бир қаторда, Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд бой имконият ва ресурслардан етарлича фойдаланиш борасида бир қатор камчилик ва оқсоқликларга йўл қўйилаётганига кўпроқ эътибор беришимиз зарур.

Кўзга ташланадиган муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, шуни таъкидлашимиз зарурки, вилоят саноатининг 88 фоизи Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Оҳангарон, Қибрай, Янгийўл ва Зангиота туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолган 10 та туманнинг бу борадаги улуши 12 фоизни ташкил этади, холос.

Айниқса, Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Қуйичирчиқ туманларининг вилоят саноатидаги улуши бир фоизга ҳам етмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳудудий саноат таркибида маҳаллий тасарруфдаги корхоналар ҳиссаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Охирги 3 йилда бу кўрсаткич 25,3 фоиздан 22,8 фоизга тушиб қолгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, бу ҳудудларнинг барчасида ўзимизнинг одамларимиз яшайди. Лекин нима учун бир туманда саноат жадал ривожланмоқда, иккинчисида эса оқсоқликка йўл қўйилмоқда? Ҳолбуки, Тошкент вилоятида саноат, ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Бу вилоят шундай ихчам жойлашганки, унинг бир туманидан иккинчи туманига бориш жуда қулай, яъни йўл-коммуникация масаласида бу ерда ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Шундай экан, талаб ҳам шунга яраша катта бўлиши табиий.

Мана, ўзингиз кўряпсиз, ҳозирги кунда ёшларимиз замонавий касб-ҳунарларни эгаллашга, ҳаётдан ўз ўрнини топишга интилмоқда. Лекин, нима учун Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманларида янги, замонавий саноат корхоналарининг салмоғи ва самараси ҳалигача сезилмаяпти?

Такрор айтаман — бизга бўлаверади, деган эскича қараш билан фақат томорқадан олинадиган даромад ёки олди-сотди ишларига кўз тикиб яшаш бизга энди ярашмайди. Бунинг учун одамда, аввало, ғурур туйғуси бўлиши лозим.

Бу муқаддас заминда ғурурсиз, ифтихорсиз яшаб бўлмайди. Шахсан мен, ўзбек боласи қаерда бўлмасин, доимо ўз юртига сажда қилиб, унинг тупроғини кўзига тўтиё этиб яшашини истардим. Ҳар қандай шароитда ҳам орномус деган тушунчани баланд тутиб, шундай буюк юртга муносиб фарзанд бўлиб яшаш керак. «Ор-номус» деган сўзнинг бошқа тилларда ўхшаши, таржимаси йўқлигининг ўзи ҳам Яратганимиз бизнинг халқимизга қандай улуғ, қандай беқиёс фазилатлар ато этганини англатмайдими?

Мен Президент — давлат раҳбари сифатида мамлакатимизни ривожлантириш, турмушимизни обод қилиш, халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун нимаики керак бўлса, барча-барчасини ташкил қилиб беришга, ана шу эзгу мақсад йўлида ҳаётимни бағишлашга ҳамиша тайёрман.

Бу Ватан — ўзимизники, барчамизники. Унинг камчилиги ҳам, ютуғи ҳам ўзимизники. Шундай экан, ғўзал ва бетакрор юртимизнинг бугунги ва эртанги куни, ёруғ келажаги учун, авваламбор, ўзимиз масъул эканимизни унутмаслик керак.

Шу нуқтаи назардан фикримизни давом эттирадиган бўлсак, Тошкент вилоятида баъзи корхоналарнинг тўла қувват билан ишламаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ўтган йили вилоят корхоналарида ип-газлама ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан атиги 34 фоиз, трикотаж мато ишлаб чиқариш бўйича 52 фоиз, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш бўйича эса 66 фоиз фойдаланилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ана шундай оқсоқлик туфайли сўнгги беш йилда Тошкент вилоятида саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиш суръатлари мамлакатимиз бўйича ўртача кўрсаткичдан анча кам, яъни 2,5 фоизга паст бўлгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш масаласига қандай катта аҳамият берилаётгани барчамизга яхши маълум.

Тошкент вилоятида «Оҳангаронцемент», «Оҳангароншифер», «Бекободцемент» акциядорлик жамиятлари, «Ғазалкентойна» қўшма корхонаси ва бошқа йирик қувватлар бўлишига қарамасдан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган тармоқнинг ялпи саноат маҳсулотидаги улуши камайиб, 2000 йилдаги 9,5 фоиздан 2012 йилда 8,5 фоизга тушиб қолган.

Экспорт масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, 2012 йилда бу борадаги дастурга киритилган корхоналардан 30 таси белгиланган кўрсаткичларни бажармагани туфайли 36 миллион доллардан ортиқ маҳсулотни экспорт қилиш режаси бой берилганини афсусланиб айтиш лозим.

Вилоятда хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган 451 та корхонадан 21 таси фаолият кўрсатмаяпти. Бундай корхоналарнинг асосий қисми Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Қибрай туманларида, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларида жойлашган.

Ҳеч кимга сир эмас, вилоят ҳудудида кўмир, коалин, мис, асбест ҳамда қурилиш хом ашёларининг бой захиралари мавжуд. Шунингдек, катта миқдорда мева-сабзавот, гўшт, сут, пилла маҳсулотлари етиштирилади. Лекин, минг афсуски, ана шу қимматбаҳо хом ашё ва маҳсулотлардан самарали фойдаланиш, уларни чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиб, қўшимча маблағ, қўшимча даромад топиш, энг муҳими, одамларимиз учун янги-янги иш ўринлари яратиш масалалари эътибордан четда қолиб келмоқда.

Бундай аҳволни тубдан ўзгартириш учун Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимлиги билан биргаликда аниқ чора-тадбирлар дастурини амалга ошириши зарур. Бунда, авваламбор, «Ангрен» махсус индустриал зонасида ташкил этилаётган корхоналарга берилган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзларидан самарали фойдаланиш, салоҳиятли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий шерикларни жалб этиш учун кўмаклашиш, шунинг ҳисобидан юқори технологиялар ва инновацион ғоялар, тайёр маҳсулот, ички ва ташқи бозорда рақобатдош бўлган товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўзда тутиш даркор.

Азиз дўстлар!

Тошкент вилояти азалдан ўзининг деҳқончилик анъаналари билан шуҳрат қозониб келгани барчамизга яхши маълум.

Вилоятда ҳозирги вақтда 6 минг 100 дан кўпроқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар томонидан қарийб 588 минг тонна ғалла, 241 минг 400 тонна пахта хирмони бунёд этилди.

Бугун мен, мана шу юксак минбардан туриб, вилоятнинг барча деҳқон ва фермерларига ана шундай фидокорона меҳнатлари учун чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Мен яхши тушунаман, тўғри англайман — қишлоқ хўжалиги шундай мураккаб соҳаки, унда ҳар йили кутилмаган бир муаммо пайдо бўлади. Деҳқоннинг меҳнати, чеккан машаққатини фақат деҳқон билади. Саноат корхонасида ишлаш ҳам албатта осон эмас, лекин ишчи ёки муҳандиснинг иш вақти аниқ. Аммо, айтинглар, деҳқоннинг аниқ иш вақти борми? Агарки шундай меҳнатни қадрламасак, нимани қадрлашимиз керак ўзи?

Бугунги кунда деҳқоннинг косасини оқартирадиган — бу фермерлик ҳаракати эканини ҳаммамиз яхши тушуниб олдик, деб ўйлайман. Биз шу йўлга ўтдикми, энди фермерларимиз учун янада кенг йўл очиб беришимиз керак.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда вилоятда нафақат пахта ва ғаллачилик, балки сабзавотчилик, узумчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ҳам самарали фаолият юритаётган, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этаётган **ўнлаб кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.**

Бугунги давр талабини, эртанги кунни ўйлаб иш олиб бораётган Пскент туманидаги «Зиёда», Қибрай туманидаги «Шуҳрат Мирахмедов», Янгийўл туманидаги «Муфассал агро», Юқори Чирчиқ туманидаги «Қавсар замин», Паркент туманидаги «Бойқозон байналмилал», Зангиота туманидаги «Сайфуддинова Хонзода», Ўрта Чирчиқ туманидаги «Мирзакарим Тешабой», Бўстонлиқ туманидаги «Сойлиқ Азимжон», Оққўрғон туманидаги «Сарбон Самандар» каби фермер хўжаликларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Албатта, ҳаммамизга аёнки, мўл ҳосил етиштириш учун, аввало, ернинг унумдорлигини ошириш лозим. Шу мақсадда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Тошкент вилоятида ҳам Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида **охирги беш йилда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу борада 46 миллиард 100 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, 173 та замонавий мелиоратив техника, жумладан, 95 та экскаватор ва бульдозер харид қилинди.**

Ҳозирги кунда 88 километрдан зиёд коллектор-дренаж тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани, қарийб 6 минг километрлик тармоқда эса таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилгани, ҳеч шубҳасиз, ўз амалий натижасини бермоқда. Жумладан, охирги 4 йилда вилоятда картошка етиштириш 67 минг тоннага, сабзавот 378 минг тоннага, полиз маҳсулотлари 28 минг тоннага, мева ва узум эса 60 минг тоннага ошгани ана шундай ишларимиз самараси, десак, янглишмаган бўламиз.

Шу билан бирга, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан амалий ёрдамга қарамасдан, Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида сўнгги йилларда пахта ва ғалла ҳосилдорлигининг пасайиш ҳолатлари кузатилаётгани барчамизни афсуслантиради.

Агарки 2012 йилда пахта ҳосилдорлиги мамлакатимиз бўйича ўртача 26,8 центнерни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Ўрта Чирчиқ туманида 20,6 центнерни, Бекобод ва Бўка туманларида 25 центнерни ташкил этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ёки бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги мамлакатимиз бўйича 52,3 центнерни ташкил этган бўлса, бу рақам Бекобод туманида 37,7 центнерни, Янгийўл туманида эса 32,2 центнерни ташкил этган.

Вилоятдаги айрим фермер хўжаликлари сурункали равишда шартнома мажбуриятларини бажармасдан келмоқда. Ўтган йили вилоятда давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилган бўлсада, 110 та фермер хўжалиги пахта, 151 та фермер хўжалиги эса ғалла етиштириш бўйича зиммасига олган шартнома мажбуриятини уддалай олмаган.

Тошкент вилояти мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш, ҳосилдорликни ошириш ва янги агротехнологияларни жорий этиш, юқори самара берадиган боғ ва узумзорлар яратиш бўйича катта имкониятларга эга экани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Вилоятда янги мевали боғлар ва токзорларни барпо этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Мисол учун, 2012 йилда вилоят бўйича атиги 623 гектар янги боғ ва 146 гектар токзор ташкил этилган. Янгийўл, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ туманларидаги айрим фермер хўжаликларида мевали боғ майдонларидан гектарига 50-55 центнер ҳосил етиштирилган, холос.

Ўтган 2012 йил мавсумида вилоятда мева ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 4 фоизни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич Самарқанд ва Наманган вилоятларига қараганда 4-5 фоиз пастдир. Шунингдек, 2012 йилда вилоят бўйича мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш қувватларидан фойдаланиш даражаси ўртача 40 фоизни ташкил этганини қониқарли баҳолаб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиш мавсуми учун сифатли сақлаш мақсадида Тошкент вилоятида мева-сабзавотларни сақлайдиган холодильникларнинг қуввати охирги беш йилда икки баробар оширилиб, 80 минг тоннадан ортгани эътиборга лойиқ, албатта. Лекин, ўтган йили ташкил этиш режалаштирилган 6 та холодильникдан фақат 4 таси ишга туширилгани бу масалада ҳам оқсоқлик борлигини кўрсатади.

Бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш, жумладан, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш, уларнинг самарали ишлаши учун барча шароитларни яратиб бериш ҳукумат ва мутасадди ташкилотларнинг устувор вазифаси бўлиши лозим. Бу борада биз янги ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ташаббус ва амалий ҳаракатларни кутишга ҳақлимиз. Жорий йилда Тошкент вилоятида ҳокимликлар ва фермерлар кенгашлари бошчилигида 2 минг 260 дан зиёд кўп тармоқли фермер хўжаликларини барпо этиш бўйича 97 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилаётгани бу масаланинг ижобий ҳал этилишига ишонч туғдиради.

Муҳтарам депутатлар!

Кейинги йилларда Тошкент вилоятида йўл-транспорт, коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш масаласига қандай катта эътибор берилаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Айниқса, Ангрен шаҳрида ташкил этилган Халқаро транспорт логистика маркази орқали 2010 йилдан бошлаб Фарғона водийси вилоятларига ва улардан мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига 16 миллион тоннадан ортиқ юк етказиб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бизга сувдек, ҳаводек зарур бўлган бундай марказларни, транспорт ва коммуникация тармоқларини жадал ривожлантиришни бугунги ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу мақсадда яқинда 116 километр узунликдаги Гулистон — Оҳангарон янги автомобил йўли қуриб битказилганидан хабардорсиз. Бу йўлнинг аҳамияти шундаки, у фақат масофани қисқартириб қолмасдан, Тошкент минтақаси орқали ўтадиган транспорт воситалари сонини оптималлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 8 миллиард сўм маблағ ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларида қурилиш-таъмирлаш, шунингдек, 10 миллиард 600 миллион сўм маблағ йўналтириб, 160 дан ортиқ аҳоли пунктидаги ички йўлларда жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити яратилганини Тошкент вилояти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда вилоятда 20 мингга яқин кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Агарки мамлакатимизда кичик бизнес соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,6 фоизни, саноатдаги улуши эса 22,2 фоизни ташкил этаётган бўлса, бу кўрсаткичлар Тошкент вилоятида тегишли равишда 56,7 фоиз ҳамда 21,9 фоизни ташкил этмоқда. Айни вақтда мазкур соҳада бир қатор муаммолар борлигини ҳам айтмасдан ўтолмаймиз. Хусусан, 2012 йил якунларига кўра, Бўка, Зангиота, Ўрта Чирчиқ туманларида янгитдан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони камайишига йўл қўйилган.

Адлия органлари томонидан 2011-2012 йилларда ўтказилган ўрганишлар давомида тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасида 224 та қонун бузилиш ҳолати аниқланган.

Тадбиркорлар баъзан ўз бизнесини ташкил этиш учун ер олиш, кадастр органларида ҳужжатларни расмийлаштириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун табиий газ, сув ва электр энергияси билан барқарор таъминланишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича 253 та мурожаатдан 214 таси ҳал этилмагани ҳам шуни кўрсатади.

Энг ёмони, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувлари давом этмоқда. 2012 йилда адлия органлари томонидан 46 та ана шундай ҳолат аниқланган.

Шу муносабат билан илгари ҳам айтган бир фикрни яна бир марта таъкидламоқчиман. Тадбиркорлик фаолияти йўлига тўсиқ қўйиш, унга қарши чиқиш — бу давлат сиёсатига, Президент сиёсатига қарши чиқиш, деб баҳоланиши керак. Буни қайси лавозимда ўтирганидан қатъи назар, барча мансабдор ва масъул раҳбарлар қулоғига қуйиб олиши шарт.

Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ҳам муаммолар кўзга ташланмоқда. Масалан, айрим маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари томонидан етарлича эътибор берилмаслиги оқибатида алоқа, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилмаяпти.

Вилоятда кўплаб дам олиш масканлари фаолият кўрсатаётганига қарамасдан, жами хиз-

Бошланғич ташкилотлар фаолиятидан

Қўқондаги пахта тозалаш заводи ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярмида қурилган бўлиб, мустақиллик йилларида амалга оширилган қайта реконструкциядан сўнг замонавий кўринишга эга бўлди.

«Қўқон-2 пахта тозалаш» ОАЖда ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Ойлик иш ҳақининг вақтида берилиши, жамоа шартномалари бандларига амал қилиш ходимлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиб, режаларнинг вақтида бажарилишида муҳим омил бўлмоқда. Равшанжон Ортиқбоев бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислигига сайланганда ёш йигит эди. Йиллар ўтиб малакаси ошди.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

масъулиятни янада орттиради

— Албатта, тажриба, орттирилган билим ва малака ишимизда жуда қўл келади, — дейди у. — Таъкидлаш жоиз — касаба уюшма тизимидаги ўзгаришлар туфайли бошланғичлар алоҳида нуфузга эга бўлди. Бу ижтимоий ҳимоя ўтган йилга нисбатан янада кучайтирилади, деганидир.

Ўтган йилда ҳам ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур ёрдамлар кўрсатиш борасида амалга оширилган ишлар чакки эмас. Аввало, уч бўлимдан иборат «Мустаҳкам оила йили» дастури белгилаб олинди. Унга кўра, 15 та ёш оилага 28 млн. 613 минг сўмлик, корхонада ишловчи кам таъминланган 14 оилага энг кам иш ҳақининг икки баробари ҳисобида моддий ёрдам кўрсатилди. Ёзги дам олиш мавсумида ходимлар фарзандларига бирлашма қошидаги «Хонқиз» оромгоҳига 69 та бепул йўлланма берилди. Ушбу мақсадларга 5 млн. 584 минг сўм маблағ ажратилди.

Ишчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун ёз ойларида «Сарикўрғон» дам олиш масканига оммавий чиқишлар уюштирилди. «Рапқон» дам олиш масканига 7 та, «Қоровул ота»га 5 та, «Косонсой»га 2 та, «Чимён» ва «Ботаника» сиҳатгоҳларига 6 та йўлланма ажратилди. Рамазон ва Қурбон ҳайити муносабати билан 40 млн. сўмдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари корхона ҳисобидан берилди. Корхона тиббиёт хонаси зарур дори-дармонлар ва керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Корхонада меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилинади. Барча ишчи-ходимлар техник ва ёнғин хавфсизлиги бўйича ўқитилди. Пахта қабул қилиш пунктларида ички меҳнат тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, ишчилар махсус кийим-бош, ҳимоя воситалари билан таъминланди. Дам олиш, ювиниш ва овқатланиш, кийим алмаштириш йўлга қўйилиб, исиниш хоналари тўлиқ таъмирланди.

Корхонада 650 нафар ходим меҳнат қилмоқда.

— Яқинда аъзоларимиз сони яна 45-50 тага ошади, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Ортиқбоев. — Сабаби, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан заводимиз қошида ипак қурти боқиш мажмуалари фойдаланишга топширилади. Уларда 400 га яқин мавсумий ишчилар иш бошлайди.

Дарҳақиқат, корхонанинг Учкўприк ва Бувайда туманларидаги пахта қабул қилиш пунктлари қошида янги ипак қурти боқиш мажмуалари ишга туширилади. Шу билан бирга, 5 гектарлик майдонда Хитойдан келтирилган тут навлари парвариш қилинади. Савдо-сотиқ ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилади.

Аъзолар сонининг ўсиши билан бошланғич касаба уюшма ташкилоти зиммасидаги масъулият янада ортади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

«NAZAR»НИНГ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ

Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган «Nazar» ўқув марказида элликка яқин қиз элита пардалар ва замонавий дизайндаги либосларни тикиш, тўқиш, қандолатчилик каби йўналишларда ҳунар ўрганмоқда.

Марказ раҳбари Назира Яҳёеванинг айтишича, касб-ҳунарни пухта ўргатиш учун ҳар бир ўқувчи билан индивидуал шуғулланиш керак. Шунинг учун гуруҳларда ўқувчилар сонини беш нафардан оширмасликка ҳаракат қилинаётир. Бундан ташқари, қабул жараёнида ўқувчилар синов асосида икки ҳафта давомида ўқитилади. Лаёқати бор ёшлар ўқишга қабул қилинади. Малакали мутахассислар иштирокида ўтказилаётган машғулотларда назарияни амалиёт билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис марказга касб-ҳунар ўрганиш истагида келаётганлар сони тобора ортаётир.

Суратда: ўқув марказ раҳбари (ўнгдан) Назира Яҳёева ўқувчилар — Гўзал Ражабова, София Яҳёева, Мадина Курбонова билан тикиш-бичиш тўғараги машғулотида.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат

ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

матлар ҳажмида туризм хизматларининг салмоғи атиги 0,5 фоиздан ошмаётгани албатта ҳеч кимни қониқтирмайди. Айнан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси одамларимизни иш билан таъминлаш ва шунинг ҳисобидан аҳолимиз даромадларини ошириш, унинг ҳаёт даражасини яхшилашда ҳал қилувчи омил бўлиб келаётганини унутмаслигимиз зарур.

Охирги йилларда Тошкент вилоятида аҳоли даромадлари ошиб бораётганини қуйидаги рақамлар тасдиқлаб бермоқда. **Айниқса, 2000 йилга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9,6 баробар ўсгани, ўртача иш ҳақи 14 баробар, пенсия ва нафақалар 12,5 баробар ошгани мисолида бунинг амалий ифодасини кўриш қийин эмас, деб ўйлайман.**

Бунинг яна бир яққол тасдиғини кейинги ўн йилда вилоятда енгил автомобилга эга бўлган оилалар 15 фоиздан 37 фоизга, телевизорга эга хонадонлар 80 фоиздан 143 фоизга, холодильникка эга оилалар 50 фоиздан 93 фоизга, кир ювиш машинаси бўлган оилалар 32 фоиздан 72 фоизга кўпайганида кузатиш мумкин.

Биз учун устувор мақсад бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласини оладиган бўлсак, вилоятда кейинги тўрт йилда 204 та умумтаълим мактаби, 19 та мусиқа ва санъат мактаби, 38 та касб-ҳунар коллежи ва 6 та академик лицей замонавий асосда қурилгани ва тубдан реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.

Ана шу даврда соғлиқни сақлаш соҳасида 1 минг 190 ўринга эга бўлган тиббиёт муассасалари ҳамда бир сменада 1 минг 335 нафар беморга хизмат кўрсатадиган поликлиникалар қурилгани ва реконструкция қилинганини қайд этиш зарур. Фақат ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги тиббий муассасаларни қуриш ва реконструкция қилиш учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан 16 миллиард 600 миллион сўм йўналтирилганининг ўзи бу борадаги ишларимизнинг миқёси ва кўламини кўрсатади. Шулар қаторида кейинги вақтда вилоятда 31 та спорт объекти ишга туширилди ва реконструкция қилинди.

Ана шундай қулайликлардан баҳраманд бўлиб ўсаётган бугунги ёшлар ҳамма нарсани тушунади. Улар ҳозирги ахборот воситалари, айниқса, интернет орқали кўп нарсадан хабардор бўлмоқда. Интернет тармоғини қандайдир темир девор билан тўсиб, тақиқлаш — бу мутлақо ақлга сиғмайдиган иш. Мана, жаҳоннинг айрим минтақаларида, араб дунёсида турли нотинчлик ва қарама-қаршиликлар юз бермоқда. Бу ҳолатнинг сабаблари кўп, лекин уларнинг аксарияти ёшларга, уларнинг ҳаётий манфаатларини ҳал қилишга етарли эътибор бермаслик натижасида содир бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун барчамиз, биринчи навбатда, вазифада ўтирган раҳбарлар ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларга кенг йўл очиб бериш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бўйича олиб бораётган ишларимизни давр талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, янги босқичга кўтариш зарурлигини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент вилоятида ёш авлод тарбиясига бевосита боғлиқ бўлган соҳа ва тармоқларда қўлга киритилаётган ҳар томонлама таъсирчан ютуқ ва марралар сўзсиз барчамизни қувонтиради, қалбимизга ғурур ва ифтихор етказади, албатта.

Айни шу борада яна ва яна бир бор эътиборингизни бундай кўрсаткичлар негизида ётган ўта муҳим мезонларга қаратмоқчиман.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 2 миллион 700 минг киши, жумладан, 1 миллион 600 мингга яқин меҳнатга яроқли одам истиқомат қилмоқда. Шу сабабли **ҳар қайси оиладаги фаровонлик, одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати, жамиятимизнинг ижтимоий барқарорлиги, аввало, аҳолининг иш билан қандай таъминланганига, уларнинг иши қандай ташкил этилганига, ўз меҳнатига муносиб даромад топишига чамбарчас боғлиқ, десам, ўйлайманки, барчангиз шу фикрга қўшиласиз.**

Масалага шу кўз билан қарайдиган бўлсак, вилоятда ўтган йили бандлик дастури доирасида 87 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган бўлса ҳам, ишга жойлаштиришга муҳтож кишилар сони 45 минг 400 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич Бекобод ва Бўка туманларида, Бекобод шаҳрида, айниқса, юқори ҳисобланади.

Шунингдек, вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган ёшларни ўз эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш борасида жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда. Масалан, 2012 йилда Оққўрғон, Чиноз, Юқори Чирчиқ туманларида бу кўрсаткич республикадаги энг паст даражани ташкил этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор огоҳлантириб айтмоқчиман: маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларининг фаолиятига одамларни, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи уларнинг ҳудудида қандай ҳал қилинаётганига қараб баҳо берилади.

Яна бир муҳим масала — аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида тўхталадиган бўлсак, кейинги тўрт йилда вилоятда сув таъминоти ва канализация хизматларини яхшилашга марказлаштирилган манбалардан 9 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилганини айтиш лозим. Шу асосда 520 километр, жумладан, қишлоқ жойларда 490 километрдан ортиқ сув тармоқлари ишга туширилди. Бироқ, водопровод тармоқларининг каттагина қисми эскиргани туфайли сув таъминотида узилишларга йўл қўйилмоқда, истеъмолчилар томонидан тўланмаган қарзлар ҳажми ортиб бормоқда. Бўка, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Паркент туманларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси қониқарсиз бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан вилоятда қўшимча водопровод тармоқларини қуриш, жумладан, Чимён-Чирчиқ дам олиш ва ҳордиқ чиқариш ҳудудида тозалаш иншоотлари қувватларини кенгайтириш керак. Шу ўринда вилоятда жойлашган шаҳарлардаги кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминотини яхшилаш ишлари етарли даражада эмаслигини афсус билан айтишга тўғри келади. Кўпгина уйларнинг муҳандислик ускуналари ва иссиқлик тармоқлари капитал ва жорий таъмирлашга муҳтож.

Коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоблар интизомининг пастлиги сабабли Чирчиқ шаҳри, Оққўрғон, Бўстонлиқ туманларида муддати ўтган дебиторлик қарзлар сақланиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, кўрсатилаётган хизматлар сифатига салбий таъсир этмоқда.

Балки кимдир, Президент шундай майда камчиликларни айтиб ўтирадими, деб ўйлаши ҳам мумкин. Мен сизларга дўст сифатида айтмоқчиманки, менинг ишимда, ҳар қайси раҳбарнинг фаолиятида иккинчи даражали ёки майда масаланинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Нега деганда, инсон манфаати ҳақида гап кетганда, ҳеч қачон майда масаланинг ўзи бўлмайди.

Ўзингиз ўйланг, жойларда ичимлик суви етишмаса, кўп қаватли уйларда табиий газ, иссиқлик етказишда узилишлар бўлса, одамлар, айниқса, ёш болали оилалар тепада — раҳбарлик лавозимида ўтирганларга нисбатан қандай фикр билдириши мумкин?

Бу ҳаётдан ҳаммамиз ҳам ўтиб кетамиз, ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас. Шунинг учун ҳам мен доимо ўзимга, сендан эртага нима қолади, деб савол бераман. Ҳар бир одам бу саволни ўзига қайта-қайта берса, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак, деган қоида билан яшаса, ўйлайманки, Яратган ҳам, инсонлар ҳам ундан рози бўлади.

Муҳтарам дўстлар!

Қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар бўйича комплекс қуришга қаратилган дастурга мувофиқ, 2009-2012 йилларда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу мақсад учун жами 228 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бироқ, таассуфки, биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган бу масалага панжа орасидан қараш туфайли айрим туманларда уй-жойларни муддатидан кечиктириб ва сифатсиз топшириш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Жумладан, 2011-2012 йилларда бу борада йўл қўйилган жиддий камчилик ва қонун бузилишлари учун Чиноз тумани ҳокими А.Тешабоев, Оҳангарон тумани ҳокими Б.Солибоев ўз вазифасидан озод этилгани, Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Отажонов ва Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шомансуров жиноий жавобгарликка тортилгани, Бўстонлиқ, Юқори-Чирчиқ, Қибрай, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ туманларининг ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарларига ҳайфсан эълон қилингани ҳам буни тасдиқлайди. Лекин гап фақат кимгадир жазо беришда эмас, балки вазиятни холисона ва танқидий баҳолаб, зарур хулоса ва сабоқ чиқариб олишда.

Жорий йилда вилоятдаги 39 та массивда 1 минг 50 та уй-жой қуриш учун 147 миллиард сўм, яъни ўтган йилдагига нисбатан 16,5 фоиз кўп маблағ жалб этиш назарда тутилмоқда. Бу эса шу йўналишда қўшимча ишчи кучи, моддий ва техник ресурсларни сафарбар қилишни, ишни оқилона ва самарали ташкил этишни тақозо этади.

Ҳокимлар бу масалани бир-икки йиллик иш деб билмаслиги, аксинча, узоқ муддатли муҳим ижтимоий дастур деб қабул қилиши лозим. Нега деганда, бу борадаги ишлар қишлоқда яшаётган одамларнинг шароити шаҳардагидан кам бўлмаслиги керак, деган эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Бугунги кунда аҳолининг даромади ортиб боряпти. Лекин баъзи одамлар уй қуриш ўрнига машина олишга шошиляпти. Менга қолса, машина ҳам, уй ҳам керак, лекин, барака топкурлар, аввал уй қуринглар, кейин машина олинглар. Яхши, замонавий уй қурган одамларнинг болалари эртага ота-онасига раҳмат айтади. Энг муҳими, бундай шинам уйларда туғилиб вояга етган болаларнинг соғлиғи, фикри, дунёқараши ҳам бошқача бўлади.

Мен яхши эслайман, 1986 йили Қашқадарёда ишлаган пайтимда Шаҳрисабзда янги уйлар қуриш тажрибасини бошлаган эдик. Ўшанда уйларнинг ташқи деворини пишиқ ғиштдан, ички деворини эса хом ғиштдан қуришга мажбур бўлганмиз. Чунки пишиқ ғишт ҳам, ғишт заводлари ҳам бугунгидек кўп эмас эди. Бугун эса, мана, кўряпмиз, ҳар томонлама қулай шарт-шароитларга эга бўлган уй-жойларни қуриш учун барча шароитлар етарли.

Шу ўринда долзарб бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим. Маҳаллий пудрат ишлари бозорини ривожлантириш борасида берилган имтиёзларга қарамасдан, **вилоятда бу борадаги ишларни такомиллаштириш, зарур қурилиш асбоб-анжомлари билан таъминланган, малакали қурувчиларга эга бўлган замонавий пудрат ташкилотларини шакллантириш, уларга керакли моддий база яратиш учун тегишли ёрдам бериш масалалари вилоят ҳокимияти эътиборидан мутлақо четда қолганини таъкидлашимиз лозим.**

Давлат бюджетидан катта ҳажмдаги молиявий ресурслар ажратилаётганига қарамасдан, вилоят раҳбарияти ва мутасадди шахсларнинг бу масалага совуққонлик билан қараши натижасида муҳим иншоотларни ўз вақтида ва сифатли ишга тушириш режалари барбод қилинмоқда. Мисол учун, 2009-2012 йиллар мобайнида марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан ижтимоий объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун 163 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлиб, уларни ўзлаштириш 156 миллиард 500 миллион сўмни ёки умумий кўрсаткичга нисбатан 95,8 фоизни ташкил этган.

Тошкент вилоятининг бугунги ривожланиш суръатлари, бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар, уларни ҳал этиш ҳолати шуни тасдиқлайдики, бу ўта муҳим йўналиш бўйича ишлар қониқарли даражада эмас. Бундай вазиятни кескин ўзгартириш, керакли хулосалар чиқариш зарурати кўриниб турибди. Мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш учун мамлакатимиз ҳукумати, вазирлик ва идораларнинг бевосита кўмагида керакли чора ва тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Ҳурматли депутатлар!

Энди бугунги сессия кун тартибидаги ташкилий масалани кўриб чиқишга ўтсак.

Ҳаммамизга маълум, бундан тўрт йил олдин, яъни 2008 йилнинг декабрь ойида биз сизлар билан бирга Рустам Холматовга катта ишонч билдириб, уни Тошкент вилоятининг ҳокими лавозимига тасдиқлаган эдик.

Албатта, улкан салоҳиятга эга бўлган, мамлакатимизда етакчи ўрин тутадиган Тошкент вилоятини бошқариш, раҳбарлик қилиш, унинг кўп тармоқли иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш — бундай вазифаларни уддалаш оғир ва ўта масъулиятли ишдир.

Эътироф этиш керакки, Р.Холматовнинг иш фаолияти давомида дастлаб вилоят тараққиёти йўлида, кўпгина муаммоларни ечишда амалий ҳаракат ва ижобий ишлар кузатилди. Лекин, охирги йилларда унинг ишга муносабати ўзгарди, ўзига нисбатан талабчанликни бўшаштириб, хотиржамлик, ўзибўларчилик кайфиятига берилиб, вилоят раҳбари ва етакчиси сифатида масъулиятни йўқотишга йўл қўйди. У ўзига нисбатан билдирилган кўпгина огоҳлантириш ва танқидий гаплардан хулоса чиқармади, аҳволни ижобий томонга ўзгартириш ҳақидаги ваъдалари қуруқ гап бўлиб қоларди. Ўз қўлида ишлайдиган кўпгина муовин ва мутахассисларнинг, фаолларнинг бошини қовуштириш, уларга бир кўз билан қараш, уларни бирлаштириш ўрнига, қўл остидагиларга юқоридан қараш, менсимаслик, қўпол муносабатда бўлишни ўзига маъқул топди.

Албатта, одамлар ҳар хил бўлади, уларнинг юриш-туриши, феъл-атвори ҳам бир-биридан фарқ қилади. Лекин раҳбар бўлиб масъулиятни ўз зиммасига олган одам, ёқадими-йўқми, ҳар қайси ходимга, аввало, ишнинг манфаатини кўзлаб, тўғри баҳо бериши керак.

Вилоят ҳокимининг ана шундай мезонлар асосида ўзидан олдин ишлаган раҳбарларнинг хаталаридан хулоса чиқариб олмагани умумий ишга зиён етказгани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Биз одатда бирон-бир раҳбарнинг оддий одамлар орасидан чиққанига эътибор берамиз, лекин, афсуски, нафс балоси уни бузади, натижада боши айланиб, оёғи ердан узилади. Асосан хушомадгўй одамлар, раҳбарлар соясида юриб бирор нарса орттиришни ўйлайдиган кимсалар бунга сабаб бўлади. Менга қолса, раҳбарга эмас, уни бузадиган ана шундай одамларга жазо берган бўлардим.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиздаги марказий бир ҳудудни бошқариш, одамлар билан тил топишиб, уларнинг ишончини қозониб, обрў орттириш, улкан мақсадлар сари сафарбар этиш учун Р.Холматовга кенг миқёсда фикрлаш, узоқни кўриш, улкан салоҳиятли вилоятни бошқариш хусусиятлари — қурби етишмади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолат охир-оқибатда унга билдирилган ишончни йўқотишга олиб келди.

Йўл қўйилган хато ва камчиликларга тан бериб, иқрор бўлиб, Р.Холматов эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Мажлис раисидан ушбу масалани овозга қўйишни сўрайман.

Муҳтарам дўстлар!

Тошкент вилоятидек катта вилоятга янги раҳбарни танлаш ва тайинлаш — ўта мураккаб ва масъулиятли иш. Ўйлайманки, сиз, ҳурматли мажлис иштирокчилари, барчангиз буни яхши англаб, тушуниб турибсиз.

Албатта, ҳар бир номзодни тавсия қилаётганда, биз фаоллар, депутатлар билан кўп маслаҳатлашамиз, унинг таржимаи ҳоли, дунёқараши, аввалги иш фаолияти, инсоний хусусиятлари, феъл-атвори, ҳар хил қинғирқийшиқ ишлардан узоқ бўлганини биринчи навбатда эътиборга оламиз. Бундай номзодларга қўйиладиган энг асосий талаблар қаторида, аввало, ўзини раҳбар, етакчи деб ҳисоблайдиган шахс бугунги шиддат билан ўзгараётган, тараққий топаётган замон талабларига жавоб бериши, эртанги кунимизнинг энг долзарб, энг устувор йўналишларини ўзига яққол тасаввур қилган ҳолда, унга ишонч билдирган эл-юрт олдида унинг зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда ўз масъулиятини чуқур сезиши, ҳис қилиши шарт.

Энг муҳими, раҳбар халқ ғами ва ташвиши, умиди ва интилишлари билан яшаши, одамларни бир-биридан ажратмасдан — биттасига иссиқроқ, бошқасига эса совуқроқ қарамасдан, ошна-оғайнигарчиликка берилмасдан, оёғи ердан узилмасдан, адолат, талабчанлик ва қатъият билан иш олиб бориши, бундай қараш, бундай муносабат унинг бурчига, ҳаётий мақсадига айланиши даркор.

Катта салоҳиятга эга бўлган Тошкент вилоятини бошқариш учун юқори савия, билим ва тажрибага эга бўлган етакчи керак. Ҳаёт синовларида тобланган, улкан режа ва дастурларни амалга оширишга, юртни обод, элнинг турмушини янада фаровон қилишга қурби-кучи етадиган раҳбар керак.

Вилоят депутатлари ва фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашганда, айни шундай юксак талабларга жавоб берадиган вилоят раҳбари кераклиги ҳақида сўз юритилди. Шундай фикр-мулоҳазалар натижасида бугунги кунда Андижон вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Аҳмад Усмонов номзодини Тошкент вилояти ҳокими вазифасига тавсия этишга қарор қилдик.

Аҳмад Усмоновнинг таржимаи ҳоли ҳақида гапирадиган бўлсак, у 1957 йилда Самарқанд вилояти Кўшработ туманида туғилиб, Самарқанд давлат университетини 1981 йилда ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича битирган.

Кўп йиллар Жиззах, Сирдарё, Наманган вилоятларида масъулиятли вазифаларда ишлаган. Ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимида хизмат қилган. Охирги етти йил мобайнида Андижон вилояти ҳокими бўлиб ишлаб келмоқда.

Ҳаммамизга маълум бўлиши керак: охирги йиллар давомида вилоятнинг қайси соҳасини олмайлик — бу қишлоқ хўжалиги бўладими, саноат бўладими, ижтимоий соҳалар бўладими, Андижон вилоятининг Усмонов раҳбарлигида ўсиш, тараққий топиш суръатлари, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб ва очилиб бораётгани кўпчиликнинг ҳавасини тортиб келмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

А.Усмоновни Тошкент вилояти ҳокими вазифасига тавсия этар эканмиз, аввало, унинг одамлар кўнглига йўл топиб ишлаш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, аҳолини рози қилиш ва ишончини қозониш, Тошкент вилояти халқига сидқидилдан хизмат қилишда ўзининг бой ҳаётий ва раҳбарлик тажрибасини ишга солади ва вилоят олдида турган вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатади, деб ишонамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Такрор-такрор айтишни истардим, Тошкент вилояти — ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий обрў-эътибори билан том маънода юртимизда бошқаларга ўрнак бўлиб келган вилоятдир.

Шунинг учун бугун сиз, азизларга, вилоятнинг барча фаоллари ва фидойиларига, кўп миллатли воҳа аҳлига қарата айтмоқчиман: Тошкент вилояти ҳеч қачон орқада юришни ўзига маъқул топмаган ва мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг нуфузини ошириш йўлида ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатиш, намоён этиш учун куч-қудрати етарли, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Тошкент вилоятининг кўпни кўрган, меҳнатсевар ва бағрикенг халқи бугун мажлисимизда тасдиқлаб олган янги раҳбар атрофида жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, мамлакатимизнинг етакчи вилоятига хос бўлган ўрнини, обрўсини қўлдан бермайди.

Барчангизга шу йўлда сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, янги-янги ютуқлар тилайман.

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан навбатдаги матбуот анжумани ташкил этилди. «Марказий банк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Ипотека банк», «Микрокредит банк» масъул ходимлари иштирокида ўтган ушбу йиғилишда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда банк тизими олдида турган вазифаларга эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини битираётган ёшларнинг бизнес режаларини молиялаштириш масалалари биринчи навбатда кўриб чиқилмоқда. Жумладан, бизнес лойиҳаларни имтиёзли шартлар асосида кредитлаш учун соҳа субъектларига 6 трлн. сўм миқдорида маблағ йўналтириш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

ИХЧАМ, ЗАМОНАВИЙ

Мазкур ресурсларнинг 1,2 трлн. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 53,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади. Оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга йўналтириладиган микромолиявий хизматлар миқдори 110,1 млрд. сўмни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига 106 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун 540 млрд. сўм миқдорида кредит маблағи ажратиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда тижорат банкларининг 155,3 млрд. сўмлик кредит маблағи эвазига республикамизнинг ишчи кучи кўп бўлган 8 та туманида тўқимачилик комплекслари барпо этилади. 45 та туманида эса тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари тайёрлайдиган ихчам замонавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бу йил республикамиз бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва истеъмол озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтирувчи янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 та лойиҳа амалга оширилади. Ушбу мақсадларга тижорат банклари 47 млрд. сўм ажратмоқда.

Мамлакатимизда аграр соҳани янада ривожлантириш борасида ҳам изчил чоралар кўрилаяпти. Бинобарин, 47,6 млрд. сўмга тенг кредитлар ҳисобига минглаб гектар майдондаги боғ ва токзорлар қайта тикланади, янгилари барпо этилади. Бундан ташқари, тижорат банкларининг 145,9 млрд. сўм кредити ҳисобига республиканинг ҳар бир қишлоқ туманида камида 10 та паррандачилик хўжалиги, 500 асалари оиласи, ҳар бир минтақада камида 30-40 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилади. Натижада, ўн минглаб қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланади.

Ўтган йили бошланган «Ёш оилаларга — уй-жойлар» дастури бу йил ҳам давом эттирилади. Хусусан, шу йил охиригача республика минтақаларида 105 та кўп квартирали уй-жой қурилади ва бунинг учун тижорат банкларининг 262,3 млрд. сўмдан ошиқ маблағи йўналтирилади. Шунингдек, «Қишлоқ қурилиш банк» кредит ресурсларининг асосий қисми қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилишига сарфланади.

Яна таъкидландики, қишлоқ инфраструктурасини ўзгартириш, қишлоқ мавзеларида замонавий савдо-маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш объектларини яратиш учун 16 млрд. сўм атрофида кредит ажратиш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, қишлоқларда яшовчи аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олиши учун ажратиладиган истеъмол кредитлари миқдорини 1,3 баробар оширишни режалаштирмоқда.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

ТЕЗ ВА БЕХАТО

хизмат учун замонавий ҳисоб-китоб

Дунёда тирик жон борки ёруғлик сари интилади. Чунки у ҳаёт, тириклик тимсоли. Шу боисдан ҳам ҳаётимизни электр қувватисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, кечки пайт уйингизда чироқ ўчиб қолса борми?!.. Ҳа, бундай паллада ушбу бебаҳо неъматнинг қадрини янаям кўпроқ англаб етасан киши.

Хўш, мамлакатимиз аҳолисининг электр қувватига бўлган талаби тўла қондирилаяптими? Уни ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қандай? «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида шу каби масалалар бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган навбатдаги анжуманда батафсил маълумот берилди.

Айни пайтда компания тизимида 54 та корхона ва ташкилот мавжуд бўлиб, у энергетика ва кўмир саноатининг бошқариш органи ҳисобланади. Соҳада 55 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, энергетика соҳасини ривожлантиришнинг асослари Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорларида белгилаб берилган. Унга кўра тизим бўйича умумий қиймати 6,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида 48 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш назарда тутилган. Жумладан, улар асосан гидроэлектр ҳамда иссиқлик электр станцияларини замонавийлаштириш ва ривожлантириш, тармоқларни модернизация қилиш, янгиларини қуриш ишларини ўз ичига олади.

Ҳозирда ЖАЙКА ва Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига Талимаржон иссиқлик электр станциясидаги умумий қуввати 900 мегаваттга тенг бўлган иккита буғ-газ қурилмасининг лойиҳасини амалга ошириш бошлаб юборилди. Қурилишга ускуналарни Японияннинг нуфузли компанияларидан бири етказиб беради.

Шунингдек, Президентимизнинг «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тикланувчан энергия манбаларини ривожлантириш мақсадида Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган қуёшли фотоэлектр станциясини қуриш бўйича тайёргарлик ишлари ҳам авжида.

Тармоқдаги ўзига хос муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, электр таъминотидаги узилишлар ва унинг асосий сабаблари ҳамда уни бартараф қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Энергетика тизимини ривожлантиришда аҳолига кўрсатилган хизмат тўловларини замонавий ва қулай усулда ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис тармоқда автоматлаштирилган ахборот ва биллинг тизими — «Электр ҳисоб» дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, амалга киритилди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 4-aprel № 42-43 (3236)

КАСАБА УЮШМАСИ:
ОБОД ҲАЁТ, ОБОД ТУРМУШ САРИ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2013 йил «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди. Бунинг негизида, тараққиётимизни янада жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган. Зеро, юртимизда инсон азиз, инсон мўътабар. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиорини ўзига дастуруламал қилиб олган Федерация Кенгаши ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар, Федерацияга аъзо ташкилотлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, Федерация Кенгаши ва вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси бирлашмаларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш тизими фаолияти янада кенгайди. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашлари ва соҳа бўйича Республика бирлашган қўмиталарида ҳам «Ишонч телефонлари» ташкил этилмоқда. Улар орқали жорий йилнинг биринчи чорагида фуқароларнинг 500 га яқин мурожаати юзасидан бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Жойларда ёш оилалар учун 32 та янги иш ўрни яратилди. Мазкур тадбир учун 582 млн. сўм сарфланди, шундан 392 млн.сўм касаба уюшмаси, 190 млн. сўм иш берувчи маблағи ҳисобидан ажратилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 2449 нафар фуқаро ва 12960 та оилага жами 6 млрд. 325 млн. сўмлик ижтимоий ёрдам берилди. Жумладан, 11725 нафар кам таъминланган оила вакилларига 4682 та корхонада 694,9 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 320 нафар янги оила қурган ёшларга 56 та корхонада 4 млрд. 680 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 633 нафар талаба учун 125 та корхонада 769,9 млн. сўм шартнома пуллари қопланди. Тармоқ корхоналарига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 915 нафар фарзанди учун 593 та корхонада ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш мақсадида 22,3 млн. сўм маблағ сарфланди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар бўлган 1328 нафар ёш онага 659 та корхонада 131,2 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги 277 та корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 488 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган ҳолга келтирилиб, бунинг учун корхоналар ҳисобидан 26,9 млн. сўм сарфланди.

Касаба уюшмалари томонидан касб-ҳунар коллежларининг 2012-2013 ўқув йилида 501 минг 148 нафар битирувчининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва уч томонлама шартномалар тузиш билан қамраб олинишида кўмаклашилмоқда. Шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг 2012-2013 ўқув йили битирувчиларига касаба уюшмаси маблағидан моддий ёрдам кўрсатиш тақсимоти ишлаб чиқилди. Унга кўра, 25 минг нафар коллеж битирувчисига амалиёт ўташ даврида энг кам иш ҳақининг 20 фоизи ва 10 минг нафарига ишга жойлашгандан сўнг 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам кўзда тутилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида 396 нафар фермер ҳамда 128 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган шахслар имтиёзли, кам таъминланган оилалардан 15 нафар аёл, 13 нафар тиббиёт ходими бепул соғломлаштирилди. 17 та ёш оилага 33 та йўлланма имтиёзли берилди. 155 нафар она ва бола соғломлаштирилди. Бу мақсадлар учун касаба уюшмалари маблағидан 327,11 млн. сўм сарфланди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг соғломлаштириш комплекслари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 2041,0 млн. сўмлик ишлар амалга оширилди.

42 нафар кам таъминланган иқтидорли талабага касаба уюшмаларининг стипендияси жорий этилди ва биринчи чоракда 6,3 млн. сўм маблағ эгаларига топширилди.

Федерация Кенгаши томонидан маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан Маънавият соатлари ўтказилишига эътибор кучайтирилди. Негаки, маданият-маънавият одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака билан бирга, шукроналик туйғуларини киритадиган буюк мўъжизадир.

Мамлакатимизнинг Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларига 3354 нафар кам таъминланган оилалар ва аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари учун саёҳатлар ташкил этилди ва бу мақсадлар учун 134,1 млн. сўм, шундан 76,6 млн. сўм касаба уюшма бюджетидан, 57,5 млн. сўм иш берувчи маблағлари йўналтирилди.

Наврўз байрами муносабати билан республикадаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган 23156 нафар эҳтиёжманд, ёлғиз оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига 820,3 млн. сўмлик турли кўринишдаги моддий кўмак берилди.

Санаторийлар атрофида жойлашган маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, 8370 тўп манзарали ва мевали кўчатлар экилди. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар ва Меҳрибонлик уйларига 3,7 млн. сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

«Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» чора-тадбирлар мажмуи доирасида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя. қилиш мақсадларига 259,7 млн. сўм маблағ, шундан 116,8 млн. сўм касаба уюшмалари, 142,9 млн. сўм иш берувчилар маблағи ҳисобидан йўналтирилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг ҳамкорликдаги лойиҳаси асосида «Умид гулшани» санаторийсида «Kasaba teks-Toshkent» ижтимоий корхонаси ташкил этилди.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларнинг инсон манфаатлари йўлидаги аҳамияти кенг тарғиб этилмоқда.

Касаба уюшмалари нашри — «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида «Касаба уюшмаси: Обод ҳаёт, обод турмуш сари» саҳифаси, «Юртинг обод — дилинг обод», «Обод маҳалла», «2013 йил — Обод турмуш йили», «Орамиздаги одамлар», «Бағрикенглик» рукнлари ташкил этилди.

Федерация Кенгашининг Интернет тармоғидаги расмий портали орқали Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотлар томонидан Обод турмуш йилида амалга оширилаётган ибратли ишлар ёритилиши билан бирга эл-юрт ободлиги, кўнгиллар ободлигини таъминловчи тадбирлар тарғиб этилмоқда.

Эътиборхон РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

Ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим.

Ислом КАРИМОВ

АЁЛ САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Аёл саломатлиги ҳақида сўз кетганда, уларни онкологик касалликлардан асраш ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Бугунги кунда республикамизда ушбу касалликнинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Онкологик диспансерларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, аҳолини ушбу касалликка чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Онкологик касалликлар орасида кўкрак бези саратони айниқса, кўп учрайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳар йили дунёда бир миллиондан зиёд аёл кўкрак бези саратони ташхиси билан рўйхатга олинади. Уларнинг 600 мингдан зиёди ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Ушбу хасталик билан асосан фертил ёшидаги аёллар касалланмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Фонд форум», Аёллар кенгаши томонидан касалликнинг олдини олиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Бу борада муайян натижаларга ҳам эришилаётир.

Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Хоразм вилоят бўлими 2011 йилда Урганч тумани хотин-қизлари орасида кўкрак бези саратони профилактика чораларини қўллашга доир лойиҳаси билан Олий Мажлис ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грантига сазовор бўлган эди. Лойиҳа доирасида туманда истиқомат қилувчи 14 минг 240 нафар аёл тиббий кўрикдан, 2 минг 500 аёл УТТ текширувидан ўтказилди. Аёлларнинг 7 нафарида саратон қайд қилинди, 100 нафар аёлга саратон шубҳаси билан қайта текширув маслаҳат берилди. Қолаверса, қишлоқларда саратоннинг олдини олишга доир давра суҳбатлари уюштирилиб, уларга 10 мингдан зиёд аҳоли жалб қилинди.

2012 йил октябрда бўлимимиз Янгибозор туманида хотин-қизлар орасида саратоннинг олдини олишга қаратилган дастури билан Ижтимоий фаол фуқаролар форуми грантига сазовор бўлди. Қўшкўпир тумани қишлоқларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва онкологик касалликларнинг олдини олишга қаратилган яна бир лойиҳамиз Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланди.

Айни пайтда грантлар доирасида кенг кўламли ишлар олиб боряпмиз. Янгибозор ва Қўшкўпир туманларида хотин-қизлар қўмитаси, туман тиббиёт бирлашмалари вакиллари иштирокида ўтказилган тақдимот маросимларида лойиҳанинг долзарблиги таъкидланди. Аҳоли учун анкета саволлари ва ахборот материаллари тарқатилди. Ҳар икки тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари билан ҳамкорликда хотин-қизларни чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказиш, оилаларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, экологик муаммоларни бартараф этиш тадбирлари олиб борилмоқда.

Светлана ПОЛВОНОВА,
Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Хоразм вилоят бўлими раҳбари

Давра суҳбати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун республика касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг ҳукумат, вазирликлар, идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари билан давра суҳбатларини ташкил этиб бориш белгилаб қўйилган. Унга биноан ўзаро ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этиб келимоқда.

Ижтимоий шериклик асосида

Хусусан, пойтахт касаба уюшма ташкилотлари мисолида қаралганда, шаҳар ҳокимлиги, меҳнат бошқармаси билан пойтахтимизнинг барча туманларида ташкилот раҳбарлари, касаба уюшма ташкилотлари етакчилари иштирокида жамоа шартномалари орқали «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан 30 дан зиёд ўқув-машғулотлари ўтказилди.

Куни кеча Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкиллаштирилган «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги давра суҳбатида шаҳар ҳокимлиги, адлия бошқармаси, прокуратура, соғлиқни сақлаш, молия, халқ таълими каби турли ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Тадбирни шаҳар бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Ғиёсов кириш сўзи билан очди.

— Жаҳонда ва минтақамизда рўй бераётган ўзига хос ўзгаришлар, мамлакатимизда олиб борилаётган ўта муҳим сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар бир-биридан долзарб, ҳамкорликда амалга оширишимиз зарур бўлган вазифаларни олдимизга қўймоқда, — деди Нуршод Ғиёсов. — Уларни амалга ошириш биринчи навбатда давлат идоралари, кенг жамоатчилик, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ҳамда амалий ҳаракатларига боғлиқ.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ансор Рустамов «Давлат бюджетидан молиялаштириладиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ижтимоий ҳимоя ва меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш», шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ғайрат Зуфаров «Бандлик, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасини янада яхшилаш», Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Саидумид Саидмуродов «Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий нафақалар ўз вақтида тўланишини таъминлаш» мавзуларида маъруза қилдилар.

Давра суҳбати қатнашчилари ва касаба уюшма фаоллари томонидан тегишли ташкилотлар мутасаддиларига меҳнат соҳасидаги масалалар юзасидан саволлар берилди. Улар юзасидан давлат идораларининг вакиллари томонидан тегишли жавоблар берилиб, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Бандлик

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежида туман ҳокимлиги, прокуратура, «Камолот» ЁИҲ, кўникма маркази ҳамда туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унда туман ички ишлар бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда 49 та корхона, ташкилот ва муассаса 114 та квоталанган ва бўш иш ўрни билан қатнашди. Муҳим иш ўрнига эга бўлиш ниятида мурожаат қилган 245 нафар кишидан 52 нафарига йўлланмалар берилди. Шунингдек, корхоналарда, кичик бизнес соҳасида ҳамда уй шароитида тайёрланган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлар кўргазмаси ҳам намойиш қилинди.

Қатнашчилар мавжуд бўш иш ўринлари билан танишиш баробарида мутахассислар томонидан тегишли ва зарур ҳуқуқий маслаҳатлар олишди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида навбатдаги ўқув-семинар ўтказилди. Тармоқ касаба уюшмалари туман ва шаҳар кенгашлари раислари иштирокидаги тадбир «Касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг асосий вазифалари» мавзусига бағишланди.

ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Бирлашма бўлим мудирлари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, тизимни такомиллаштириш натижалари ва галдаги вазифалар, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ҳамда ҳуқуқий-тарғибот ишларини ташкил этиш каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтишди.

Қизғин савол-жавоблар асосида ўтган ўқув-семинар якунида кун тартибидаги муҳим масалалар юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

ФАҚАТ ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Нукус шаҳридаги Компютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида «Хуш келибсан, Наврўз, хуш келибсан, баҳор!» мавзуида адабий-мусиқий тадбир бўлиб ўтди. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

Тадбирда коллеж касаба уюшмаси қўмитаси раиси, инглиз тили ўқитувчиси Ж.Алламберганова давлатимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларга яратилаётган қулайлик ва имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. «Телекоммуникация» мутахассислигининг 1-босқич ўқувчилари томонидан тайёрланган коллеж ва ўқувчилар ҳаёти акс эттирилган интермедия инглиз тилида намойиш қилинди.

Сўнгра коллеж ўқувчилари ватан, наврўз, баҳор ва ёшлик ҳақидаги шеърларни инглиз тилида ўқидилар, қўшиқлар куйлашди. Байрам табрикларини ҳам инглиз тилида изҳор қилдилар.

Фаол иштирокчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Файзулла САЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Замондошимиз қиёфасига чизгилар

МЕҲР

Қайсидир йили Гулистон туманида ўтказилган намунали маҳалла ва оила танлови якунида Ёқубжон Мадаминовлар хонадони биринчи ўринни олди. Яқинларига оқибати, дўстларига садоқати, шогирдларига меҳри билан ажралиб турадиган камтар ва камсуқум бу фозил инсонни анчадан бери танирдик. Ғолибларни тақдирлаш маросимида атрофдагиларнинг: «Ҳақиқатдан ҳам муносиб оила», «Мадаминовлар ғолибликка арзийди» қабилидаги эътирофларини эшитиб, Ёқубжон аканинг оиласига ҳурматимиз ошди. Чиндан ҳам ёнма-ён қурилган икки данғиллама уй, кенг, баҳаво ва бежирим ҳовли, ҳовлини тўла энлаган, япроғидан ҳосили кўпроқ узумлар, томорқадаги кўзни қувонтирадиган экинлар, энг муҳими, хонадондаги файз ҳайъат қарорининг тўғри бўлганини кўрсатиб турарди.

Ёқубжон акани ғалаба билан табриклаб, у кишининг қурувчилик диди ва хўжалик юритиш малакасига қойил қолганимизни айтдик.

— Одам яхши яшашга ҳақли ва у яхши яшаши керак ҳам! — деди Ёқубжон ака. — Ахир, у — тафаккур ва руҳга эга бўлган ягона яратиқ. Аммо одам ҳамиша ҳам фикри, руҳи ва иродасининг маҳсулини кўравермайди. Шукурки, бизга ақл ва ғайратимиз самарасини тотиш насиб этди. Лекин бу кунларга етиб келиш осон бўлмади. Кошки, қандай яшаётганимизни ота-онам кўрсалар эди. Уларнинг умри сарсонлик ва азобда ўтди. Бугун кечаги куннинг устига қурилгани кўнглимга озгина таскин беради. Яхши кунларни кўриш бизга насиб қилгани яқинларим тортган азоблар эвазигадир, деб ўйлаб қоламан.

Ҳозиргина ғалаба қувончидан яйраб ўтирган Ёқубжон ака ҳазин тортиб, оғир ўйга чўмди...

КЕЧАГИ КУН...

Унинг отаси Мадамин махсум асли бешариқлик эди. Илмли ва ишчан бу одам коллективлаштириш ҳаракати бошланиб, қишлоқ аҳли бир-бирига душман қатламларга бўлина бошлаган даврда тинчлик истаб, Янгийўлнинг Қовунчи қишлоғига кўчиб келганди. 1943 йилнинг авжи кўкламида аёли Рисолат отин яна бир ўғил кўрди. Яхши ният билан болага Ёқубжон деб исм қўйдилар. Китоб кўрган, саводли, сабр-қаноатли отинойи икки ўғил ва икки қиздан кейин кўрган кенжасини еру кўкка ишонмас, унга йўқчилик ҳам, мусофирчилик машаққатлари ҳам деярли сезилмасди. Оиласи яна биттага кўпайгач, Мадамин махсум Қовунчидан бешариқлик қариндошлари яшаётган Гулистон туманининг «Қизил тонг» колхозига кўчади.

Махсум ишнинг кўзини биладиган тадбиркор одам, омилкор деҳқон ва ҳунарманд киши эди. Мирзачўлнинг қамишзоридаги ботқоқларни қуритиб, бута ва ғишаларни қўпориб, ер очди, рўзғорга керакли экинлар экиб, тузуккина ҳосил олади. Ертўлада яшай бошлаган оилада сигир-бузоқ, қора қунга ярайдиган беш-олти қоп дон-дун пайдо бўлади. Ўша замонларда ҳам ўзгани кўролмайдиганлар бўлган, шекилли, кунларнинг бирида Мадамин махсумнинг меҳнати маҳсули бўлмиш ғалланы «фронт учун», деб олиб кетишади. Махсум донига ачинади, болаларини қишдан қандай чиқариб олишни ўйлайди. Лекин, ҳаммадан ҳам унга қадри топталгани, ўзи оёқ ости қилиниб, меҳнат билан топган ҳалол мулки талон қилингани оғир ботади. Куппа-кундузи қилинган бу қароқчилик, қариндош бўлмиш фаолларнинг ҳам ёнини олмагани суяк-суягидан ўтиб кетган Мадамин махсум шу кечанинг ўзида кўч-кўронини эшакка юклаб, қишнинг қоқ чилласида Бешариққа йўл олади. Эшакка ташлаб қўйилган хуржуннинг бир кўзида ҳали суяги қотмаган Ёқубжон, иккинчи кўзида йўл учун ўлмас озуқа, ака-опалари навбат билан эшакка мингашган...

Бекободнинг Далварзинидаги қариндошларинникига етганда, афтода оилага улкан бахтсизлик чанг солади: тушуниксиз дардга чалиниб, Рисолат отин қўққисдан қазо қилади. Она жон берар экан, ҳали сутдан ҳам чиқмаган гўдагидан кўзини узолмасди. Аёлининг суягини кимсасиз чўлда қолдиришга мажбур бўлган Мадамин махсум ота юрти Бешсари қишлоғига боргач, яна уйланади. Аммо 1948 йил адоғида ота ҳам бу дунёни ташлаб кетади. Махсум, ўлишини билгандай, қизларини эрта узатган, ўғилларнинг каттаси Солижон эса эндигина Конибодомдаги педбилим юртида ўқишга кирганди. Тирикчилик — тошдан қаттиқ. Солижон укаларига қараш, ўзини таъминлаш учун ўқишни ташлаб ишлаши керак бўлади. Лекин Бешсарида иш нима қилсин? Шу боис «Қизил тонг»даги қариндошларни қора қилиб, Мирзачўлга йўл олади. Чўлда ҳисобчи бўлиб ишлай бошлайди. Ҳайҳотдай ҳовлида қолган саккиз яшар Валижон билан беш яшар Ёқубжонга узатилган опалар қараб туришарди.

Солижон ака обдон ўрнашиб олгач, 1950 йилда укаларини ёнига обкелади. Бир-бирларига бўлган меҳрларидан бўлак ҳеч воқолари йўқ етимчалар амал-тақал қилиб кун кўра бошлашади. Кичиклар мактабга, оила бошлиғи Солижон далага қатнайди.. Ҳашар қилиб икки хонали бошпана ҳам тиклаб олишади. Орадан икки йил

Лойиҳа

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши тўғрисида НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшлар кенгаши *(кейинги ўринларда — «Ёшлар кенгаши» деб юритилади)* ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий дунёқарашини ўстириш, уларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш, барча поғоналардаги касаба уюшма тузилмалари қошида ёшлар билан ишлаш тузилмаларини тузиш ва улар ишини такомиллаштириш учун тегишли тавсияларни тайёрлаш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш борасида Федерация, унинг аъзо ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун ташкил этилади.

1.2. Ёшлар кенгаши фаолияти бирдамлик, ҳамфикрлик, адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик, қонунийлик, масалаларни ечиш ва муҳокама қилишда коллегиаллик, эркин овоз бериш принципларига асосланади.

1.3. Ёшлар кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Уставига, Федерация қурултойлари қарорларига, Федерация Кенгаши ва унинг Раёсати қарорларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

1.4. Ёшлар кенгаши таркиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан унинг ваколатлари муддатига, аъзо ташкилотлар тавсия қилган 35 ёшгача бўлган касаба уюшма фаолларидан иборат вакиллар таркибида тасдиқланади. Ҳар бир аъзо ташкилот ўз Раёсатининг қарори билан Ёшлар кенгаши таркибига биттадан вакилни сайлаш ҳуқуқига эга. Бунга қўшимча тариқасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати ҳам Ёшлар кенгаши таркибига вакиллар киритиши мумкин.

1.5. Аъзоларни чақиртириб олиш ва алмаштириш, улар қай тартибда Ёшлар кенгаши таркибига сайланган бўлса, шу тартибда амалга оширилади.

1.6. Ёшлар кенгашини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосарларидан бири бошқаради. Ёшлар кенгаши раиси ўринбосари ва масъул котиби Ёшлар кенгаши тавсиясига биноан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланади.

II. ЁШЛАР КЕНГАШИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий дунёқарашини ўстириш борасида аъзо ташкилотлар, барча поғоналардаги ёшлар билан ишлаш тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

2.2. Касаба уюшмалари Федерациясининг ёшлар сиёсатини, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

2.3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг аъзо ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органларида ёшлар вакиллигини таъминлашга кўмаклашиш.

2.4. Ёшларнинг ўқиш, меҳнат қилиш, муносиб иш ҳақи олиш, уй-жой билан таъминланиш, ҳордиқ чиқариш, бўш вақтини сермазмун ўтказиш борасидаги қонуний ҳуқуқларини кенгайтириш ишларида иштирок этиш.

2.5. Ёшлар ўртасида касаба уюшмаси аъзолигига ундовчи омилларни кучайтириш, уларни касаба уюшмалари сафига жалб қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш.

2.6. Ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғоя руҳида тарбиялашга, ёшлар орасида маънавий-маърифий ва маданий-спорт ишларини ўтказишга кўмаклашиш.

2.7. Ёшлар салоҳияти рўёбга чиқишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, уларни ўзаро бирлашишига ёрдам бериш.

2.8. Барча поғоналардаги касаба уюшма ташкилотлари қошида ёшлар билан ишлаш тузилмаларини тузиш, улар ишига замонавий таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

2.9. Ёшлар сафидан касаба уюшмалари кадрлари захирасини тайёрлашга кўмаклашиш.

2.10. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аъзо ташкилотларининг ёшлар билан иш олиб боришдаги тажрибасини, ёшлар кенгашлари иши амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш, мазкур йўналишдаги ишнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш.

III. ЁШЛАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Касаба уюшмалари ёшлар сиёсатини ривожлантиришда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юқори органлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аъзо ташкилотлари, халқаро касаба уюшмалари Марказлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

3.2. Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда уларни жамоа келишувлари ва шартномаларига киритиш мақсадида таклифлар тайёрлаш.

3.3. Тайёрланаётган қонунлар, Ҳукумат қарорлари, жамоа келишувлари лойиҳаларининг ёшлар ҳуқуқларига оид масалалар бўйича жамоат экспертизасидан ўтказишда иштирок этиш.

3.4. Ишлаётган ва таълим олаётган ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлат ҳокимияти органлари, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.

3.5. Касаба уюшмаларининг ёшларга оид сиёсатини такомиллаштириш масалалари юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши фаолиятида иштирок этиш.

3.6. Корхоналар, ташкилотлар, ўқув муассасалари қошида ёшлар билан ишлаш тузилмаларини барпо этиш ва янада ривожлантириш ишларига амалий, ташкилий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиш.

3.7. Норасмий секторда банд бўлган ёшлар билан ишлаш, уларнинг ўзаро бирлашиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш.

3.8. Ҳудудлар кесимида аҳолининг турмуш даражасини аниқлашда иштирок этиш. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини улар билан мўътадил нархларда таъминлаш устидан мониторинг ўрнатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва биринчи эҳтиёж моллари нарх-навоси асоссиз кўтарилишини олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

3.9. Ёшларни, биринчи галда таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштирилиши ва бандлиги кафолатлари рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш. Ишга жойлаштирилишга муҳтож ёшларга оид маълумотлар базасини ҳамда бўш иш ўринлари тўғрисидаги тармоқлараро маълумотлар базасини шакллантириш.

3.10. Ёшларнинг ўз-ўзларини банд қилишларига ёрдам бериш, ёшлар ўртасида кичик тадбиркорликни ҳамда ёшларнинг иш жойларини яратишга ёрдам берадиган жамият учун муҳим бошқа ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

3.11. Ўқувчи ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларда меҳнат қилиш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш. Болалар меҳнатининг ўта ёмон шаклларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга оширишда иштирок этиш.

3.12. Ходимларни ўқитиш, қайта ўқитиш, малакасини ошириш ишларига кўмаклашиш.

3.13. Касаба уюшмаларининг жамиятдаги ижобий сиймосини шакллантириш борасидаги ахборот ишларидан кенг фойдаланиш чораларини кўриш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва аъзо ташкилотларнинг ёшлар билан ишлаш тажрибасини умумлаштириш ва кенг ёйиш.

3.14. Ёш касаба уюшмалари фаоллари ва етакчилари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш. Ёшлар муаммоларига таллуқли анжуман, конференция, форум, йиғилиш, семинар, давра суҳбатларини ўтказиш.

3.15. Касаба уюшмалари ёш аъзолари учун маданий-спорт тадбирлари, спартакиадалар, кўрик-танловлар, фестиваллар, республиканинг тарихий жойларига саёҳатлар, экскурсиялар уюштириш, реклама акциялари ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

IV. ЁШЛАР КЕНГАШИ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Ёшлар кенгаши мажлислари заруратга қараб, лекин йилида камида бир марта ўтказилади. Ёшлар кенгаши аъзолари умумий сонидан камида учдан икки қисми иштирок этган мажлис ваколатли ҳисобланади. Мажлисда иштирок этаётган Ёшлар кенгаши аъзоларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарорлар қабул қилинган деб ҳисобланади.

4.2. Ёшлар кенгаши мажлислари оралиғида унинг номидан 11 киши миқдорида сайланган Раёсат иш олиб боради.

4.3. Ёшлар кенгаши Раёсати йиғилишлари заруратга қараб, лекин йилида камида тўрт маротаба ўтказилади. Раёсат аъзолари умумий сонидан камида ярми иштирок этган йиғилиш ваколатли ҳисобланади. Йиғилишда иштирок этаётган Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарорлар қабул қилинган деб ҳисобланади.

4.4. Ёшлар кенгаши ва унинг Раёсати фаолиятига Раис раҳбарлик қилади. Раис иштирок эта олмаган тақдирда Кенгаш ишини раис ўринбосари бошқаради.

4.5. Ёшлар кенгаши раис ўринбосари ва масъул котиби унинг йиғилишида сайланадилар.

4.6. Ёшлар кенгаши ўз Раёсатида тасдиқлаб оладиган иш режалари асосида фаолият юритади.

4.7. Кечиктириб бўлмайдиган масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида Ёшлар кенгаши Раёсати ўз аъзоларидан сўров йўли билан овоз бериш асосида қарор қабул қилиши мумкин, бундай қарорлар тўғрисида кенгашнинг навбатдаги йиғилишида ахборот берилади.

4.8. Ёшлар кенгаши ва унинг Раёсати таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқади ва қабул қилади, уларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг сайланма органларида кўриб чиқиш учун киритади, амалий ишда фойдаланиш учун Федерациянинг аъзо ташкилотларига юборади.

4.9. Ёшлар кенгаши ўз фаолиятида «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

4.10. Ёшлар кенгаши ўз йиғилишларида иштирок этиш учун давлат ҳокимияти органлари, иш берувчилар, жамоат ташкилотлари, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тегишли бўлимлари вакилларини таклиф қилиши мумкин.

4.11. Ёшлар кенгаши ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мутахассислари ва олимларни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳлар, комиссиялар тузиши мумкин.

4.12. Ёшлар кенгаши раиси:

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қурултойларида, Федерация Кенгаши, унинг Раёсати йиғилишларида, бошқа жамоат ташкилотларида, иш берувчилар уюшмаларида, давлат ҳокимияти органларида Ёшлар кенгаши номидан иш кўради;
- Ёшлар кенгаши ва унинг Раёсати йиғилишларини чақиради ва ўтказади.

4.13. Ёшлар кенгаши ишини ташкилий-техникавий жиҳатдан таъмин этиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

4.14. Ёшлар кенгаши ва унинг Раёсати йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш, иш юритиш ҳамда баённомаларни расмийлаштириш Ёшлар кенгаши раиси ўринбосари ва масъул котиб томонидан амалга оширилади.

4.15. Ёшлар кенгашининг фаолияти Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши сметаси доирасида молиялаштирилади.

V. ЁШЛАР КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ

5.1. Ёшлар кенгаши ўз фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш ва такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади ва қабул қилади ҳамда уларни аъзо ташкилотларга хизматда фойдаланиш учун юборади.

5.2. Ёшлар кенгаши касаба уюшмалари ташкилотларининг Ёшлар кенгаш (комиссия)лари билан келишган ҳолда касаба уюшмалари ёшларга сиёсатини ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари ва вазифалари бўйича резолюция қабул қилади.

5.3. Ёшлар кенгаши йиғилишлари қарорига асосан касаба уюшмалари ташкилотларининг раҳбарлик вазифаларига захира учун Ёшлар кенгаш (комиссия)лари аъзоларига тавсиянома бериши мумкин.

5.4. Ёшлар кенгаши касаба уюшмалари ёшларининг муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан моддий ва ташкилий ёрдам сўрашга ҳақли.

5.5. Ёшлар кенгаши ёшлар сиёсатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганларни тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши рамзи туширилган мукофот жорий қилиши мумкин.

VI. ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА АЪЗО ТАШКИЛОТЛАР ЁШЛАР КЕНГАШЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

6.1. Федерацияга тўғридан тўғри чиқувчи барча аъзо ташкилотларда Ёшлар кенгашлари тузилади.

6.2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аъзо ташкилотлари Ёшлар кенгашлари *(кейинги ўринларда — «Аъзо ташкилотлар Ёшлар кенгаши» деб юритилади)* доимий ҳаракатдаги орган ҳисобланади.

6.3. Аъзо ташкилотлар Ёшлар кенгаши:

- фаолиятини ўз Низомига асосан амалга оширади;
- ўзининг аниқ режалари, дастурлари ва чора-тадбирларини амалга оширади;
- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши қарорларини бажарилишини таъминлайди;
- ўз таркибига аъзолар меъёрини белгилайди;
- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашига ҳисобот бериб боради.

VII. ЁШЛАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТЎХТАТИШ

7.1. Ёшлар кенгашини тугатиш ёки қайта ташкил этиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорига биноан амалга оширилади.

Ушбу Низом лойиҳаси бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни Федерация Кенгашига (факс: 8371-256-47-97) йўллашингизни ёки (8371) 256-76-57 телефон рақамига оғзаки мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Сўраган эдингиз

Савол: Мен шаҳарда жойлашган ташкилотга ишга кирдим, шунинг учун шаҳардан ижарага уй олиб оилам билан яшамоқчиман. Нотариал идораси томонидан ижара шартномасини гувоҳлантириш қоидаларини тушунтириб берсангиз ?

Иброҳим ЖУМАНИЯЗОВ,
Ҳазорасп тумани

Жавоб: Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган кўчмас мулкни (уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқалар) ижарага берилишида ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда нотариус томонидан қуйидагилар:

- кўчмас мулкнинг ижарага берувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилади);
- «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилади);
- ижарага берилаётган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий рўйхатда турувчи шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтаридан кўчирма ҳамда рўйхатга олинган шахсларнинг розилиги;
- кўчмас мулк умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиги;
- васийликдаги шахсга қарашли бўлган кўчмас мулк бир йилдан ортиқ муддатга ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги;
- хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ижарага берилганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиги талаб қилинади.

Саволга Хонқа тумани
1-давлат нотариал идорасининг
нотариуси Мансур НУРИЕВ жавоб берди

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ФАРҒОНА АЭРОПОРТИ ДУК

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона шаҳридаги Фарғона аэропортининг 1- ва 2-қаватларини қайта режалаштириш ва йўловчилар терминалининг фасадини реконструкция ишлари»

Муддати — **25.12.2013 йил.**

Бошланғич нархи — **9 342 861 300 сўм ҚҚС билан; 7 785 717 750 сўм ҚҚС сиз.**

Буюртмачи: **Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси Фарғона аэропорти ДУК.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Аэропорт кўчаси, 16-уй, тел: (373) 226-23-76;226-54-61.

Қурилиш ишлари: Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: 224-18-71.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Аэропорт кўчаси, 16-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

«Navoiy mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, НКМК ДК Навоий Давлат кончилик институтининг 27.03.2013 йилдаги 1-04/237-сонли хатига асосан Навоий шаҳар Жанубий 27-а уйда сақланаётган «Тико» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 161 JAA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 4 121 400 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 6 май куни соат 15:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 3 май куни соат 18:00.

2. Савдога «Электрокимёзаводи» КК ЁАЖнинг 27.03.2013 йилдаги 133-сонли хатига асосан Навоий шаҳар «Навоий» 9- уйда сақланаётган «Нексия» русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 715 JAA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 600 000 сўм.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 6 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 22 май куни соат 15:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2013 йил 20 май куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 5 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий ф-лидаги 20208000704943164001, МФО 00205, ИНН 302132768 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: (8-436) 224-64-31. www.rmm.uz Гувоҳнома № 1605

«Ishonch» газетасининг 2013 йил 5 март куни №27 (3220) сонида чоп этилган «Фарғона шаҳридаги Фарғона аэропортининг 1- ва 2-қаватларини қайта режалаштириш ва йўловчилар терминалининг фасадини реконструкция ишлари» объекти бекор бўлганлигини маълум қиламиз.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда кимё соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси «Самарқанд» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Бахриддин Юнусовга отаси

ТОЖИБОЙ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЁҒДУСИ

ўтиб, Бешариқнинг сулув қизи Маликахон шу кулбага келин бўлиб тушади. Қийинчилик ва синов Мадаминовларни измаиз таъқиб қилишда давом этади. 1952 йилнинг кузида эндигина уйланган куёв, икки етимчанинг ягона боқувчиси — Солижон ҳарбий хизматга олинади. Пўлат ўтда, одам қийинчиликда тобланади деганлари чин экан, ўн тўққиз яшар Малика янга ўзбекнинг қизига хос жўмардлик кўрсатади: Валижон билан Ёқубжонга оналик қилади. Куёви кетгач, беш ой ҳам ўтмай, ўғил кўради. Энди у ёшгина боши билан тўрт жонни боқиши керак эди.

Ёқубжон ака ҳам кулиб, ҳам эзилиб эслайди: «Хизматнинг иккинчи йилида бўлса керак, Солижон акам почта орқали майда-чуйда нарсалар билан битта шим ҳам юборибди. Уни Валижон акам тушгача мактабга кийиб кетади, мен тушдан кейин почаларини тиззамгача қайириб, ўқишга кийиб бораман». Янга далада ишлар, эмизикли чақалоққа ака-укалар навбат билан қарашардик. Ёқубжон дарсларини эртароқ тайёрлаб, тушга яқин очиққан болани янгасига олиб бориб эмиздириб келиши, кейин навбатни акасига бериши керак эди. Болага қараб ўтирган кунларнинг бирида қулбаларининг гулқоғоз ёпиштирилган шифти негадир шитирлай бошлади ва бир қулоч келадиган йўғон илон «шалоп» этиб, ерга тушади-да, ташқарига чиқиб кетади. Ўтакаси ёрилган Ёқубжон вақтидан олдинроқ бўлса-да, болани олиб далага чопади, аммо янгасини аяб, илон ҳақида оғиз очмайди.

Ака-укалар мактабда яхши ўқишди. Валижон еттинчини битириб, Тошкентга техникумга ўқишга кирди. Бахтсизлик шу ерда ҳам уларни пойлаб турган экан: техникумни тугатгач, Самарқандга ишга жўнатилган Валижонни машина уриб кетди. Ўрни тўлмас бу йўқотишни Ёқубжон ака унутолмади. Йиллар ўтгач, ўғилларидан бирини ёшгина кетган акасининг номи билан атаб, уни ҳаётга қайтарди.

Ёқубжон мактабда яхши ўқиди, айниқса, тилларни ўзлаштириш бобида бошқалардан ўзғир эди: рус тилида тоза гапирарди, француз тилини ҳам бинойидай эгаллаганди. Ўрта мактабни битирган йигит кўнглидаги азалий орзуси бўлмиш ҳиндшунослик бўйича бахтини синаб кўрди. Лекин имтиҳонлардан керакли баллни йиға олмади. Қишлоққа қайтишдан уялган йигит Тошкент авиация заводи қошидаги техника билим юртига ўқишга кириб, чилангарлик касбини эгаллади. Самолётсозлик заводида салкам уч йил ишлади, вақтида жуда доврўқ қозонган «Антей» отлиғ оғир транспорт самолётини йиғишда қатнашди.

Кўзлаган мақсади сари оғишмай интиладиган йигит заводда ишлаш баробарида Чет тиллар институти француз филологияси факултетининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Энди оғзи ошга етганда, яна бурни қонади: уни ҳарбий хизматга олишди. Улғайиб, дунёга ўз кўзи билан қарай бошлаган, ҳаёт ҳақида мустақил фикр юрита оладиган Ёқубжон хизматни ўтагач, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факултетига кирди ва уни имтиёзли диплом билан битирди. Унга илм билан шуғулланишни таклиф этишди. Лекин ўз ҳаётини йўлга қўйиш ниятида Гулистон туманидаги 1-ўрта мактабга ишга келди.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Гулистон тумани Сирдарё вилоятининг турмуш тарзи юқори ва аҳолисининг деҳқончилик маданияти нисбатан баланд ҳудудларидан саналади. Чунки чўл илк бор шу ерлардан бошлаб ўзлаштирилган. Бу ердаги одамларнинг маънавий дунёси, ахлоқий ўлчамларида ҳам каттагина ўзига хослик бор. Чунончи, гулистонликлар алдам-қалдамни ёмон кўришади, дилидагини тилига дангал чиқаришади, оқибатни қадрлашади, хиёнатни кечиришмайди. Бу маънавий фазилатлар қаердандир олиб келинмаган, балки шафқатсиз чўл табиати эзгу инсоний сифатларга эга бўлмаган кимсаларни бағрига сиғдирмасди. Чўлда шунчаки яшаб бўлмайди, у шунчакиликни кўтармайди, астойдилликни, ўзини тўла бағишлашни талаб қилади.

Табиатан одамсуяр, жонкуяр ва кўзчил Ёқубжон ака ўзи улғайган муҳитга осон сингишиб кетди. Мактабда аввал ўқитувчи, кейин директор ўринбосари бўлиб, беш йилча ишлади. Ўқувчилар, ота-оналар ва касбдошларининг эътиборини қозонган ёш мутахассис раҳбарлик ишларига олинди. Етти йил Гулистон туман тарғибот-ташвиқот бўлимини, ўн беш йил туман халқ таълими бўлимини бошқарди. Ҳамиша одамларга яхшилик қилишга, уларга меҳр улашиб, оқибат кўрсатишга интилди.

Кўпинча амалга минган одам оммадан ажралиб қолади. Чунки унинг ўзи билиб-билмай, шунга интилаётган бўлади: ё одамларни эшитишни мутлақо истамайди, ёхуд ўзини эшитаётгандай тутса-да, ўзгалар дардига бегоналигича қолаверади. Ёқубжон Мадаминов ўзгаларни тинглай биладиган, бировни тушунадиган, амали учун одамлардан эмас, одамлар учун амалидан фойдаланадиган раҳбар эди. Одамлар унга дардларини бемалол айта оларди. Табиатан шошқалоқ эмасди, аммо сусткашликка ҳам йўл қўймасди. Гапига эгалик қилар, ҳақ гапни ўрнида айтар, ҳақгўйнинг ёнида тура олар эди. Қарийб ярим асрлик фаолияти давомида одамларнинг кўнглини қолдирмасликка, оламда меҳр-оқибат ва эзгулик деб аталмиш юксак қадриятлар борлигига уларда ишонч уйғотишга интилиб келди.

(Давоми 6-саҳифада).

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 4-aprel № 42-43 (3236)

Ишлаб чиқариш гимнастикаси

ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ — БИРИНЧИ ЎРИНДА

Соғ танда — соғлом ақл, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, соғлиғи мустаҳкам одамнинг ишида унум бўлади, жон-тани билан берилиб ишлайди.

Шу боисдан ҳам касаба уюшмалари тизимида ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Турли корхона ва ташкилотларда махсус спорт хоналари, бассейн ва тренажёр заллари мавжуд бўлиб, бу хайрли иш изчил давом эттирилмоқда.



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ходимларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида ўрнак олса арзигулик ишлар амалга оширилаётир.

Икки ярим мингга яқин ходим меҳнат қилаётган мазкур тиббиёт муассасасида тренажёр зали ҳамда стол тенниси тўгараги, бассейн ҳамиша гавжум.

— Тренажёр зали, стол тенниси ва бассейнда бир кунда ўртача юздан ортиқ ходим ўз саломатлигини мустаҳкамлайди, — дейди ташкилот бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси, тиббиёт фанлари доктори Жалолиддин Нуриддинов. — Мазкур спорт турлари бўйича Шаҳбоз Ҳошимов ва Элдар Гариев каби инструкторлар фаолият олиб бормоқда.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига, маълумки, кўпинча оғир аҳволдаги беморлар келтирилади. Улар билан муомала қилишнинг ўзи бўлмайди, ходимда ҳам баъзан стресс кузатилади. Бундай асаб таранглигидан фақат спорт асрайди. Асаблар тинчланади, мушаклар бўшашади ва ходим кейинги иш кунига кўтаринки кайфиятда келади.

Тиббиёт маскани ходимаси Элмира Исахонова бу ҳақда шундай дейди:

— Албатта, бундай шароитда ишлаш жудаям ёқимли. Айниқса, иш вақти тугаганидан сўнг бир-икки соат спорт билан шуғуллансанг, танинг кучга тўлади, руҳинг кўтарилади. Ҳамкасбларимиз билан фито-бар олдида чақчақлашамиз. Бизга қулай шароит яратиб бераётган барча масъулларга жамоамиз номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 2-3-саҳифаларда).

Ё. Мадаминовдаги бу маънавий сифатлар 1989-1990 йилларидаги бесаранжомликларда, айниқса, ёрқин намоён бўлди. Қора кучлар қон тўкиш ва миллатлараро можароларни авж олдириш йўли билан чок-чокидан сўкилиб бораётган империяни сақлаб қолишга киришган пайтларда бу одамдаги ёрқин шахс сифатлари аён кўринди. Бунга юртдошларининг ишончини қозонгани қўл келди. Нафақат Сирдарё вилояти, балки республикада биринчи бўлиб, истеъдодли ўқувчиларни танлов йўли билан саралаб, «Умидли ёшлар мактаби»ни ташкил этгани, иқтидорли ёшларни ётоқжой, егулик билан таъминлагани, бу мактабга институт ва техникумларда ишлаётган таниқли ўқитувчиларни таклиф этиб, устама ҳақ бериш орқали ўнлаб истеъдодларни кашф этишга эришгани асқотди.

Маълумки, шўро даврида чўл ҳудуди бўлмиш Сирдарёда қўл кучи етишмас, аммо пахта керагидан ортиқ майдонга экилар, натижада ғўза самолётларда дориланиб, пахта машинада теришарди. Пестицидлар аҳоли, айниқса, болаларнинг соғлиғига катта зарар етказган бўлиб, жигари ишдан чиққан мактабгача ёшдаги болакайлар жуда кўп эди. Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида Ёқубжон ака вилоятда биринчи бўлиб сариқ касалига йўлиқиб, даволаниб чиққан ва соғлом болалар билан алоқа қилиши

МЕҲР ЁҒДУСИ

мумкин бўлмаган болакайларни реабилитация қилиш учун алоҳида боғча ташкил қилиш ташаббуси билан чиққанди. Бундай боғча учун даволовчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар, махсус озиқ-овқат, дори-дармон топиш, тарбиявий тадбирларни даволаш билан қўшиб олиб борган ҳолда уларни соғлом болалар даврасига мувофиқлаштириш каби ғоят кўп эътибор талаб қилувчи ишларни амалга ошириш Мадаминовга осон бўлмаганди.

Маълумки, мустақилликнинг илк йиллари турли ижтимоий муаммоларга тўла эди. Шундай муаммолардан бири камқонли аёллар ва улардан туғилган носоғлом болаларни соғломлаштиришдан иборат эди. Ёқубжон ака бу борада ҳам келажакнинг манфаатини кўзлаб иш қилди: камқонли оналарнинг фарзандлари учун вилоятда ягона махсус боғча ташкил этиб, алоҳида эътиборга муҳтож болакайларнинг саломатлигини тиклашни йўлга қўйди.

Ё. Мадаминов яна бир хайрли ишнинг ташаббускори бўлди. У боғча болаларига инглиз тили ўргатишни йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Халқ таълими бўлим мудири керакли кадрларга эга бўлган 10- боғчани ана шундай йўналишли тарбия масканига айлантирди. Тарбияланувчилар мактабга инглиз алифбоси ва айрим сўзларни билган ҳолда бора бошлашди. Орадан ўтган йиллар Ёқубжон ака бошлаган ишнинг қанчалик зарур ва узоққа мўлжалланган тадбир бўлганини кўрсатди.

1999 йилда Ёқубжон ака таълим ходимлари Гулистон тумани касаба уюшмаси етакчилигига сайланди. Азалдан эл билан диллашиб, унинг фойдасини деб яшаган одам таълим ходимларининг манфаатлари учун астойдил жон куйдириб ишлади. Шу ерда амал одамни эмас, балки одам амалнинг обрўсини оширади, деган нақл жуда тўғри экани кўзга ташланди. Ё. Мадаминов ўн йилдан ортиқроқ шу соҳани бошқарди ва туманда бирорта ходимнинг ҳақ-ҳуқуқи топталишига йўл қўймади. Ҳамиша ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тиришди. Тумандаги ҳар бир мактабда бошланғич касаба уюшма қўмитаси учун алоҳида хона ажратилиб, керакли ҳуқуқий адабиётлар билан жиҳозланди. Туман маорифчилари касаба қўмитасининг уларни ҳимоя қиладиган ташкилот эканини амалда ҳис қилдилар.

Ёқубжон Мадаминов ҳамиша маърифатга, илм ва санъатга интилган одам, билимдон филолог, дунёга очиқ кўз билан қарайдиган ойдин сифатида гулистонликларни бадиий адабиёт билан яқин ошно қилишга интилиб келади. Адабиётга тегишли ҳар қандай тадбирнинг бошида бўлишга уринади. Биладики, адабиёт маънавият дегани. Маънавият эса — одамликни билдирувчи асосий фазилат. У киши туфайли туман аҳли Халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори адиб Муҳаммад Али, ўн тўрт роман муаллифи, Давлат мукофоти совриндори Омон Муҳтор, халқимизнинг ардоқли шоирлари: Ҳалима Худойбердиева, Азим Суюн, Абдусаид Кўчимов, Абдулла Шер, Асад Дилмурод, Муҳаммаджон Қўшмоқов, Икром Отамурод, Фарида Афрўз, Пирмат Шермуҳаммедов, Турсун Али, Ҳаёт Шодмон ва бошқа адибларларнинг шахси ва ижоди билан танишганлар.

ЁНГИНАМИЗДАГИ ҚАҲРАМОН

Бизнинг онгимизга қаҳрамонликни фавқулодда одамлар ғайриоддий вазиятларда қиладилар, деган қараш ўрнашиб қолган. Ҳолбуки, ёнгинамиздаги оддий одамлар, ўз умрларининг оддий кунларида мунтазам равишда эзгуликларни ўйлаб, эзгу сўзлар айтиб, эзгу ишлар қилишмоқдаларки, ҳар куни кўраверганимиз учун биз уларни пайқамаймиз ҳам. Асл қаҳрамонлик эса одатий ишларни сидқидилдан беминнат бажариб, кўпчиликнинг кўнглини меҳр ёғдуси билан нурлантиришда намоён бўлади.

Муса ЖЎЛБЕК,
Қозоқбой ЙЎЛДОШ

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Жит кун до

Пойтахтимиздаги «Сағбон» спорт мажмуасида жит кун до бўйича ёшлар ўртасида мамлакат чемпионати ҳамда ўсмирлар ўртасида очиқ турнир якунига етди.

БРЮС ЛИ ИЗДОШЛАРИ

Ўзбекистон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази матбуот хизматидан хабар қилишларича, мусобақаларда 200 дан ортиқ спортчи иштирок этди.

Шарқ якка курашларининг моҳир устаси Брюс Ли томонидан асос солинган мазкур спорт тури билан шуғулланувчилар сони кўпайиб бормоқда. Жумладан, юртимизда ҳам мазкур яккакураш тобора ривожланмоқда.

Қизиқарли кечган мусобақада Илёс Иброҳимов, Нурмуҳаммад Эркинжонов, Семен Атаян, Лочин Собиров, Фаррух Бекмуродов ва бошқалар ўз вазн тоифасида ғалаба нашидасини сурдилар.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти вакиллари шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олишди. Иккинчи бўлиш пойтахт вакилларига насиб этган бўлса, сурхондарёликлар учинчи ўринни қўлга киритди.

Бокс

Украинанинг Херсон шаҳрида бокс бўйича якунланган халқаро турнирда юртимиз термаси иккинчи ўринни эгаллади.

УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА — ИККИНЧИ

Анъанавий мусобақада ўндан зиёд мамлакатдан келган 120 га яқин чарм қўлқоп устаси ғолиблик учун куч синашди.

49 кг. вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Ҳасанбой Дўсматов туркиялик Ферхат Пехливан, қозоғистонлик Темиртас Жусупов, украиналик Максим Чулячеевни муддатидан олдин енгди. Финалда грузиялик Давид Нанавани катта устунлик билан мағлуб этган боксчимиз шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

91 кг.да рингга чиққан Рустам Тўлаганов озарбайжонлик Теймур Маммадов ва украиналик Геворг Манукян билан бўлган жангни ўз фойдасига ҳал қилиб, олтин медал учун ўтган баҳсда мезбонлар вакили Арсен Азизовдан 24:15 ҳисобида устунлик қилди.

52 кг. вазн тоифасида Жасурбек Латипов ва ўта оғир вазнда рингга кўтарилган Мирзоҳид Абдуллаев кумуш медал соҳибига айланди.

Футбол

Осиё чемпионлар лигаси учинчи тур учрашувида «Бунёдкор» ўз майдонида Хитойнинг «Пекин Гоан» жамоасини қабул қилди.

МУРОСА КЎЧАСИ

«G» гуруҳида пешқадамлик қилаётган ушбу икки жамоанинг ўйини қизғин ўтиши кутилганди. Вакиллармиз асосий эътиборни ҳужумга қаратган бўлса-да, рақиб ҳимоясини ёриб ўтишга имкон тополмадилар.

Ҳисоб очилмаган ушбу учрашувдан сўнг ҳар икки жамоа очколари сони бештага етди. Тўплар нисбатига кўра, «Бунёдкор» биринчи ўринни ўзида сақлаб қолди.

Гуруҳдаги иккинчи беллашувда Японияннинг «Санфречча Хиросима» жамоаси ўз майдонида «Поханг Стилерс» (Жанубий Корея) вакилларига 0:1 ҳисобида ютқазди. Сафардаги ғалабадан сўнг жанубий кореяликлар беш очко билан пешқадамлар сафига қўшилди.

«Бунёдкор» футболчилари 10 апрелга белгиланган тўртинчи тур учрашувини Хитойда «Пекин Гоан» жамоасига қарши ўтказади.

Ўз мухбиримиз

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Мусиқа ва замон

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Мусиқани севмаган қалб ҳувиллаган чорбоғ, хазон бўлган боғдир», деган таърифида катта маъно мужассам. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида болалар мусиқа ва санъат мактабларига асос солингани, борларининг эса реконструкция қилингани ҳам бежиз эмас.

ИСТЕЪДОД САЙҚАЛ ТОПСИН

«Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури»га асосан Яккабоғ туманидаги 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам кенг кўламда қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилиб, ҳақиқий санъат кошонасига айлантирилди. Мусиқа жиҳозлари келтирилди. Янги йўналишлар очилди.

Бугунги кунда 200 нафар ўқувчи таҳсил оладиган мактабда нафақат туман марказидаги маҳаллалар, балки чеккачекка қишлоқлардан келган ўқувчилар мусиқа ва санъат сирларини эгаллашмоқда. Ўқувчиларнинг турли байрам тадбирларидаги фаол иштироки сабаб болаларда санъатга қизиқиш тобора ошиб боряпти.

Анъанавий созандалик бўйича ўқитувчи Ҳ.Алимова шогирдларини бугун республикада ҳам билишади. Ўтган йилнинг баҳорида у етакчилик қилаётган «Дуторчи қизлар» жамоаси Қарши шаҳрида ўтган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. «Болалик баҳори» танловининг туман ва вилоят босқичларида бошқаларга намуна бўлди.

— Бу каби ютуқлар жамоамизнинг ҳамжиҳатликда иш олиб боришидандир, — деди биз билан суҳбатда директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Д.Рўзиева. — Битирувчиларимиз турли олий ўқув юртларида, шунингдек, Қарши шаҳридаги санъат коллежида таҳсил олишмоқда. Мухтор Имомов, Роҳила Солиева, Муҳаббат Эргашева каби устозларимиз талабчанлиги, ўз касбини севиши туфайли тарбияланувчиларимиз истеъдоди янада сайқал топмоқда.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кўклам шукуҳи

Диёримизда Наврўз шодиёналари кўтаринки кайфиятда давом этаётир. Андижон вилояти Марҳамат туманидаги Қорабоғиш қишлоғида ташкил этилган маданий-маърифий тадбир ҳам иштирокчилар қалбида халқимизга хос бағрикенглик, дўстлик, меҳр-мурувват туйғуларини жўш урдирди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Наврўз айёмига бағишланган «Сумалак сайли»да туман ҳокимлиги мутасаддилари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, унинг ҳудудий бўлинмалари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакиллари, Қорабоғиш қишлоқ врачлик пункти ходимлари ҳамда қишлоқ аҳолиси қатнашди.

СУМАЛАК САЙЛИ

Тадбир доирасида «Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва диний бағрикенглик» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Қ.Парпиев, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича бош мутахассиси М.Мурзаева, Андижон давлат университети катта ўқитувчиси З.Ҳайитматов ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, диний бағрикенглик, халқлар дўстлиги, ўзаро ҳамкорлик тараққиётимизнинг муҳим омили бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

«Сумалак сайли»дан ҳеч ким четда қолмади. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва кўчабошилар қўмагида 364 та хонадонга тансиқ таом тарқатилди. Наврўз айёми муносабати билан 10 нафар кам таъминланган оилага Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Эрта тонгда бошланган «Сумалак сайли» оқшомгача давом этди. Дилрабо кўйлар қўшиққа, дилтортар қўшиқлар эса «Анжанча» рақсларга уланиб кетди. Кўнгил кўнгилдан сув ичди, диллар Наврўз тадбирларидан баҳра олди.

Ўз мухбиримиз

Фестивал

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР

Марғилон шаҳридаги ҳунармандчилик марказида «Миллий либослар — миллат кўзгуси» деб номланган фестивал ўтказилди. Унда ҳунармандлар, тадбиркорлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаби ўқувчилари ўзлари тайёрлаган либослар билан иштирок этди.

— Марғилоннинг атласу адраслари, беқасамлари етти иқлимга машҳур. Улардан тайёрланган либослар янада жозибали кўринишга эга, — дейди шаҳар ҳунармандлар уюшмаси раҳбари, шаҳар Кенгаши депутати Расулжон Мирзаахмедов. — Бугунги фестивалда 50 дан ортиқ миллий либослар намойиш этилди. Иштирокчиларга миллий ҳунармандчилик, педагогика касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари намойиш этган либослар, айниқса, манзур бўлди.

Фаол иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 19. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 411 | 20265 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5